ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
28 февраль, шанба 1998 йил №24 (526)
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама комиссиясининг сессияси

26 февраль куни Америка Қўшма Штатлари давлат департаментида Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама комиссиясининг биринчи сессияси очилишига бағишланган расмий маросим ва сессиянинг ялпи мажлиси бўлди. Маросимда Президент Ислом Каримов ва Президент Билл Клинтоннинг қўшма комиссия иштирокчиларига йўллаган қутловлари ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари Президентларининг Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама комиссиясининг биринчи сессияси иштирокчиларига йўллаган қутловлари

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар, Ўзбекистон Республикаси — Америка Қўшма Штатлари икки томонлама комиссиясининг биринчи сессияси иштирокчилари!

Комиссия иш бошлаши муносабати билан сизларга табрик сўзлари билан мурожаат қилиш менга улкан мамнуният бахш этади. Бу комиссиянинг ташкил этилиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисида АҚШ Президенти Б.Клинтон билан аҳдномаларимизни амалга ошириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Икки томонлама комиссия фаолиятининг бошланиши давлатлараро муносабатларда мамлакатларимизнинг сифат жиҳатидан янги босқичга чиққанини кўрсатади. Улкан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техник, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган жаҳоннинг етакчи давлати — Қўшма Штатлар билан узоқ муддатли ва кенг кўламли муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон учун ташқи сиёсатнинг устувор стратегик йўналишидир.

Давлатларимиз жаҳон хавфсизлиги ва минтақавий хавфсизлигининг турли жиҳатлари бўйича мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор. Бизнинг жаҳон ва минтақалар хавфсизлигига муносабатларимиз бир-бирига жуда мос келади. Ўзбекистон ва АҚШ жаҳон хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган наркотик моддаларнинг ғайриқонуний савдосига, халқаро терроризмга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишга қарши кураш борасида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон АҚШнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлайди. Қўшма Штатларнинг тажрибаси ва салоҳияти минтақадаги янги давлатлар мустақиллиги ҳамда уларнинг эркин тараққиёти учун ишончли таянч ва кафил бўлиб хизмат қилишга қодир.

Ҳарбий соҳада узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш учун қулай шароит яратилган. НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик изчиллик билан ривожланмоқда. Бу ҳамкорлик давлатларимизнинг миллий манфаатларига мос келишига аминман. Ўзбекистонда ҳам, АҚШда ҳам ҳар йили биргаликда ҳарбий машқлар ўтказиш мунтазам тус олмоқда.

Қўшма Штатлар ҳозир жамиятимизни янгилаш, ислоҳ қилиш ва демократиялаш жараёнига салмоқли ҳисса қўшмоқдаки, биз буни жуда қадрлаймиз. Америка компаниялари ва фирмалари билан қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, улар билан узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро фойдали муносабатларни ўрнатишга, бозоримизда Америка сармоясининг кўпайишига катта аҳамият бермоқдамиз.

Ишончим комилки, Ўзбекистон — Америка мулоқотини ривожлантиришдаги сифат жиҳатидан янги босқич Ўзбекистон Республикаси билан Қўшма Штатлар ўртасидаги стратегик ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Яхши тилакларимиз ҳамда Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини изчиллик билан мустаҳкамлашга интилаётганимиз хусусида айтган самимий гапларимизни қабул қилгайсиз. Комиссия ишига муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ

Америка Қўшма Штатлари — Ўзбекистон Республикаси қўшма комиссиясининг иш бошлаётган сессияси муносабати билан Ўзбекистон делегациясига самимий қутловларимни йўллайман. Бу учрашув икки томонлама муносабатларимизда муҳим босқич бўлиб, муносабатларимизни ҳозир ҳам, XXI асрда ҳам чуқурлаштириш бўйича мажбуриятларимизни яна бир бор таъкидлайди.

Қўшма Штатлар Ўзбекистон билан муносабатларимизни жуда қадрлайди. Биз Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қатъий қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатларимиз биргаликда минтақавий хавфсизликни, демократик ва иқтисодий ислоҳотларни, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини рағбатлантириши мумкин ва шундай қилади ҳам. Тобора ривожланиб бораётган икки томонлама ҳарбий ҳамкорлигимиз ва Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотида иштирок этаётгани туфайли биз минтақада тинчлик ва хавфсизликнинг зарур асосини яратмоқдамиз. Халқаро можароларни бартараф этишда Ўзбекистонга бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш имконини берадиган Марказий Осиё тинчлик батальонини изчил қўллаб-қувватлаймиз.

Америка Ўзбекистонга мамлакатдаги турфа маданиятлар, динлар, этник гуруҳлардан қувват олиб, минтақада ва бутун дунёда ҳақли равишда муносиб ўринни эгаллаш ҳамда фикрлар ҳилма-ҳиллигига асосланган барқарор жамият қуриш борасидаги мақсадларига эришувида ёрдам бераверади.

Сессияга энг яхши тилакларимни йўллаб, ишларингизга самара тилайман.

Билл КЛИНТОН

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, 1997 йил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни маънавий янгилаш борасидаги дадил ҳаракатининг навбатдаги босқичи бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 февралдаги мажлисидаги маърузасидан.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 5,2 фоиз ўсди. Биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан ошди. Бу ялпи ички маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига 3,2 фоиз кўпайтириш имконини берди.

Ўзбекистон собиқ шўролар ҳудудидаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилда 1990 йилдаги бошланғич даражадан 12,7 фоиз, жумладан, 1996 йилга нисбатан 6,5 фоиз ортган ягона мамлакатдир.

1997 йил мобайнида иқтисодий ўсиш саноатда 106,5, қишлоқ хўжалигида 105,8, қурилишда 102,6, савдода 112,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 121,3 фоизни ташкил этди.

1997 йилда аҳолининг муайян пул даромадлари жон бошига кўзда тутилгандан 10,5 фоиз ошди.

ПОЙГАДА БИЛИНАР МАРДЛАР САРАСИ

Фарғона водийсига довон оша боришда кўпинча шундай манзарани кузатганман: баландлик борган сари автоуловларнинг ўзига хос «ҳансираши», овози ўзгариб, қандайдир зўриқишдан бора-бора тўхтаб гоҳ жиддий, гоҳ енгил таъмир талаб қилиши кўзга ташланади. Баъзи ҳайдовчилар аввалига зинғиллаб елиб ўтиб кетаётганини ҳам кўриб қоласиз. Улар орасида пастдалик бир маромда, хотиржам довонлар оша йўрғалаётганлари диққатни тортади. Улар довоннинг энг баланд чўққисига кўплаб уловларни ортда қолдириб етиб келадилар.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг кечагина Вазирлар Маҳкамасида қилган маърузасини ўқир эканман, юқоридаги манзара беихтиёр ёдга келди. Собиқ шўролар ҳудудидаги мамлакатлар пойгаси давом этмоқда. Қарийб бир хил шароитда стартга чиққан мазкур давлатлар ўз мамлакатларини тараққиёт йўлига олиб чиқишда аста-секин, аммо сезиларли даражада толиқиб, «ҳансираб» қолишмоқда.

Аввал бошданоқ ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос йўлини танлаб, аҳоли турли қатламлари турмуш шароитлари ҳаддан ташқари пасайиб кетишига йўл қўймасдан ва муҳими, шошма-шошарликка йўл қўймай дадил олға интилаётган Ўзбекистонимиз бугун кўп жиҳатдан МДҲ мамлакатларидан ўзиб кетганлигини кўриб турибмиз. Газетамизнинг мазкур сонида 1997 йилги эришилган натижаларни алоҳида келтирдик. Уларни диққат билан ўқиб чиққан ҳар бир газетхон қалби бугунги ютуқларимиздан фахрга тўлиши табиий. Ҳаётимизнинг ҳар бир куни, ойи, айниқса, йил ўз салоҳияти ва залворини тобора ёрқинроқ намоён этмоқда. Буларнинг ҳаммаси юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимиз қанчалик тўғри йўлни танлагани, келажаги буюк давлат барпо этиш сари дадил одимлаётганимизнинг ёрқин далилларидир.

Республика Президентининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини таҳлил қилар эканмиз, агар ҳамма меҳнат жамоалари талаб даражасида фаолият юритганларида ислоҳотларнинг барча жабҳаларида ўтган йили эришилган натижалар янада салмоқли бўлиши мумкинлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳали ҳам зарар кўриб ишлаётган корхоналар, хўжаликлар мавжуд. Бундай жамоаларимиз раҳбарлари ҳалигача боқимандалик кайфиятидан қутилиша олмаяпти. Улар корхонадаги аҳволни ўз кучларига таяниб эмас, юқоридан бериладиган ёрдам эвазига тиклашга умид боғлашади.

Долзарб муаммоларнинг энг муҳими фуқароларда ҳақиқий мулкдорлик ҳиссини шакллантириш жараёни қийин кечмоқда. Хусусийлаштирилган корхоналардаги ҳиссадорлар, акциядорлар, пайчилар ва бошқа турдаги мулк эгалари ўзлари ишлаётган жамоа фаолиятининг пировард натижасидан манфаатдорлик туйғуларига эга эмаслар. Ишни ташкил қилиш, бозор талаблари асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун раҳбар ва мутахассисларнинг жамоа олдидаги масъулияти талабчанлик билан назорат этилмайди.

Маълумки, ҳуқуқий-демократик жамиятни барпо этишда жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёсдир. Жамиятнинг ҳар бир бўғинида бошқарув ва ишни ташкил этишда жамоатчилик назорати катта таъсир кучига эгадир. Шу жиҳатдан энг оммавий ташкилот бўлган касаба уюшмаларининг самарали фаолияти халқ хўжалиги ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида мамлакатимиз эришадиган натижалар салмоғини ошириши муқаррар. Улар саноат ва қурилишда, қишлоқ хўжалигида, хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнаткашлар номидан маъмурият билан тузадиган жамоа шартномаларининг сўзсиз бажарилишига эришиш орқали ишлаб чиқариш ва хизматларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшишлари мумкин.

Шу муносабат билан муҳим бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, касаба қўмиталари меҳнаткашларнинг ижтимоий муҳофазасини кенг маънода тушуниб, фақат ходимларга турли имтиёзлар яратиш билан чекланмай, ишлаб чиқариш ва хизмат турларини ривожлантириш муаммоларини ечиш жараёнларига ҳам фаол таъсир этишлари даркор. Масалан, бозор талабларини ўрганмай, маҳсулот ишлаб чиқариш оқибатларидан пировард натижада меҳнаткашлар азият чекиши аниқ-ку! Демак, касаба қўмитаси ана шу жараёнга ва ишлаб чиқариш ва бошқарув билан боғлиқ бошқа муаммоларнинг ҳал этилишига бош қўшиши мантиқан зарур бўлиб чиқади.

Касаба қўмиталари меҳнат жамоалари орасида олиб борадиган муҳим ишлар, аввало, одамлар тафаккурини ўзгартиришдан бошланиши ҳам ҳаётий заруратдир. Улардаги лоқайдлик, танбаллик, фикрий қашшоқлик, боқимандалик иллатларига барҳам беришда касаба уюшмаларининг ташкилотчилик, тарғибот-тушунтириш ишларини жонлантириш, муҳим аҳамиятга эга. Мулк шаклидан қатъий назар, ҳар бир корхона, хўжалик, ташкилотда бошқарув ходимлари ва раҳбарнинг жамоатчилик назоратида фаолият юритишига эришиш, ижтимоий муҳофаза тадбирларининг кенг ошкоралигини таъминлаш ҳам мамлакат халқ хўжалиги барқарор ривожига самарали таъсир кўрсатади.

Хуллас, мустақиллигимизнинг ҳар бир йили катта мазмун ва салоҳиятга эга бўлаётганини аниқ кўриб турибмиз. 1998 йил ҳам эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, янги марраларни эгаллаш йили бўлишига шубҳа йўқ. Республика Президентининг халқ фаровонлиги йўлидаги изчил, серқирра фаолияти, халқимизнинг ёрқин келажак сари ҳаётбахш интилиши бунга ишончли кафолатдир.

1998 йил — Оила йили

САҲОВАТ

Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва тармоқ қўмиталари Оила йили муносабати билан белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Шу муносабат билан куни кеча Термиз шаҳридаги парҳез таомлар ошхонасида 50 нафар кам даромадли оилалар вакилларига бепул овқатланиш учун йўлланмалар берилди.

— Шу мақсадда улардан ҳар бир бемор ҳисобига ойига 2280, жами бўлиб эса 144 минг сўм маблағ ажратганмиз, — дейди касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари Х. А. Қўзимуродов. — Мижозларимизни асосан, эҳтиёжманд кишилар ва ногиронлар ташкил этади.

Йўлланма олган меҳнат фахрийси Виль Асомов, «Термизтранс» ташкилоти ишчиси Анорхол Абдуназарова, автобус-трактор саройи ходимаси Ирина Гуглина ва бошқалар ўзлари тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатиб келаётгани учун касаба уюшмалари кенгашига миннатдорлик изҳор этдилар.

Бош ошпаз М. Тоғайалиев бошчилигидаги ошхона ходимлари тайёрлаган парҳез овқатлар илк бор дастурхонга тортилди. Йўлланма олганлар уларни иштаҳа билан тановул қилдилар. Уларнинг кўплари М. Тоғайалиевга таниш ва қадрдон. Чунки у 27 йилдирки шу ошхонада ишлаб, мижозларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган.

Талбирда вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М. Зоиров, тармоқ қўмиталари раислари ҳозир бўлдилар.

Рустам ДАВЛАТОВ.

БОШ МАҚСАД — ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК

«Барча ислоҳотларимиз, жамиятимизни янгилаш ва демократиялашнинг асосий мақсади, умуман, барча саъй-ҳаракатларимиз пировард мақсадининг ўзи - инсон манфаатларини қондиришни таъминлашдир.

Ислом Каримов.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

1997 йилда ижтимоий-маданий тадбирларни молиявий таъминлаш учун давлат бюджетидан 123 миллиард сўм ёки барча бюджет харажатларининг 40 фоизи ажратилди. Шу жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши учун 30 млрд. сўм, соғлиқни сақлаш, газлаштириш, сув таъминоти ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари қурилиши учун 34 млрд. сўм ажратилди.

Йил давомида 6,7 млн. кв.метр уй-жой ишга туширилди. Шундан 5,4 млн. кв.метр уй-жой қишлоқда барпо этилди. Турар-жой сертификатлари бўйича сотиб олинадиган уй-жой нархининг 50 фоизини қоплаш учун бюджетдан 1,2 млрд. сўм ажратилди.

64 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1,5 минг беморга мўлжалланган шифохоналар, бир сменада 11,7 минг кишини қабул қиладиган поликлиникалар қурилди. Янги ишга туширилган ижтимоий соҳа объектларининг учдан икки қисми қишлоқда барпо этилди.

Аҳоли пунктларини сув ва газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш борасида 4,5 минг километр газ тармоғи ҳамда 1,8 минг километр сув қувурлари тармоғи қурилиб, ишга туширилди.

16 ёшгача фарзанди бор бўлган оилаларга нафақа тўлаш учун 9,6 млрд. сўм сарфланди.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан Ироқдаги президент объектларини текшириш комиссиясининг раҳбари этиб Шри-Ланкалик дипломат Жонатан Жанапални тайинлади. Комиссиянинг янги раҳбари собиқ раҳбар Ричард Батлер билан ҳамкорликда иш олиб боради.

* * *

Америка Қўшма Штатлари Россияни Ироқда биологик қуроллар ишлаб чиқаришга ёрдам берганликда айбламоқда. Иттифоқ даврида ҳам Москвадан Бағдодга турли заҳарли моддалар етказиб турилганлиги маълум бўлди. Айрим манбаларнинг хабарига кўра, Россия ҳозир ҳам оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқармоқда экан. Бироқ, Россия ҳукумати бу даъволарни қуруқ туҳмат деб атамоқда.

* * *

Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида электростанция портлаши оқибатида бутун шаҳар электр қувватисиз қолди. Шаҳар кечалари зулмат қўйнида қолмоқда. Маъмурият шаҳарда полициячиларни кўпайтиришга қарор берган.

* * *

Литва пойтахти Вильнюсда мамлакатнинг янги президенти Валдас Адамкуснинг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди. 71 ёшли янги президент 50 йил давомида АҚШ да истиқомат қилган. Яқинда бўлган сайловларда Литва аҳолисининг эллик фоизи унинг президент бўлишига овоз берган эди.

* * *

Куба раҳбари Фидель Кастро ўзининг президентлик лавозимига қайта сайланиши муносабати билан халқ олдида сўзга чиқиб, роса етти соат нутқ сўзлади. Шунга қарамай, халқ унинг нутқини катта қизиқиш билан тинглади.

* * *

Мексикада полициячилар академиясининг ҳарбий машғулотлари бўлаётган вақтда полицияга қарашли машқ вертолёти ҳалокатга учради. 60 метр баландликдан қулаб тушган вертолётнинг икки учувчиси ҳалок бўлган.

* * *

Грузиядаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакилларини гаровда ушлаб турган террорчилар гуруҳи раҳбари Гоче Эсебио гойиб бўлди. Тахминларга кўра, жиноятчини грузин милициясининг ўзи қўйиб юборган.

* * *

Украина президенти Леонид Кучма Россияга илк бор давлат ташрифи билан борди. Украина ва Россия президентлари учрашувида икки томон муносабатлари равнақи билан бирга, Ироқ атрофидаги можаролар, НАТО билан ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилган.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

ҚАРШИ МЕБЕЛИ

«Қаршиқурилишиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси тўғрисида гап кетганда кўпчиликнинг кўз ўнгида уйсозлик, сув йўллари, саноат объектлари ва кўприклар қурилиши учун турли темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган улкан корхона гавдаланади. Аслида ҳам шундай. Бироқ, бугун булар сирасига ҳар бир завод қошида ташкил этилган кичик корхоналар ва цехларни ҳам қўшиш керак бўлади. Уларда қурилиш материаллари билан бир қаторда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган кўплаб маҳсулотлар — гиламлар, деворбоп ғиштлар, йўлаклар учун турли плиталар ишлаб чиқарилаяпти. Тадбиркорлик билан иш юритиш муваффақиятлари гарови эканини яхши тушунган бирлашма раҳбарияти бозор иқтисодиёти қийинчиликларини ана шундай оқилона йўллар билан бартараф этишга эришмоқда.

Бундан икки йил муқаддам бирлашма ҳузурида кичикроқ мебель фабрикаси ташкил этилган эди. Аввалига баъзилар «фабрика ўзини оқламайди», деган андишага ҳам боришди. Чунки бу борада на иш юритиш тажрибаси на керакли асбоб-ускуналар бор эди. Айни шу пайтда фабрикага бир вақтлар Москвадаги ўрмон технологияси академиясининг мебель тайёрлаш мутахассислиги бўлимини тугаллаб, бирлашмада хизмат қилаётган Саломат Комилова етакчи қилиб тайинлангач, ишлар бирмунча юришиб кетди. Бирлашма раҳбариятининг кўмаги билан фабрика учун ёғочга ишлов берадиган асбоб-ускуналар олинди. Тажрибали дурадгор усталар ишга жалб қилинди.

— Ўшанда 9 киши бўлиб иш бошлаган эдик, — дейди фабрика бошлиғи Саломат Комилова. — Биз ҳам сифатли мебеллар ишлаб чиқара олишимизни исботлашимиз зарур. Шунинг учун, аввало тайёрланаётган ҳар бир маҳсулотнинг дизайнига, сифатига катта эътибор қаратдик. Ҳозирги кунда чиқараётган мебелларимиз анча харидоргир. Мижозларимиз уларнинг сифатли ва бежиримлигидан мамнун. Бу эса бугунга келиб, олдимизга қўйилган вазифани имкон қадар уддалаётганимиздан дарак беради.

Ҳозирда фабрикада беш турдаги стул, тўрт турдаги стол, бир ва икки кишилик ётоқхона кроватлари, меҳмонхона учун юмшоқ диван-креслолар мажмуи, иш креслолари, болалар боғчалари учун стол-стуллар ва бошқа хилдаги мебеллар ишлаб чиқарилаяпти.

Бундан ташқари, корхонанинг чоғроқ тикувчилик цехида иш кийимлари, қўлқоплар, мебеллар учун қопламалар тикиш ҳам йўлга қўйилган. Келажакда фабрикани бир қадар кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Суратларда: фабрика етакчиси Саломат Комилова усталар Шермамат Ҳотамов ва Шавкат Жўраев билан. Фабрика мебеллари. Ш. Шаропов (ЎзА) олган сурат.

УШБУ СОНДА:

2-бетда

МАРОКЛИ ВА МАЗМУНЛИ

3-бетда

TV ДАСТУРИ

4-бетда

РЕКЛАМА ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

5-бетда

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҒОЛИБ

6-бетда

МЕРОС ҲУНАР

Касаба уюшма ҳаёти - савобли ишлар

МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНЛИ

Давримиз, тузумимиз янгиланаяпти, ҳаётимиз, меҳнатимиз, меҳнатдан манфаатдорлигимиз ўзгариб бораяпти. Энг муҳими - онгимиз, тушунчаларимиз, шулар билан бирга турмуш тарзимиз ўзгараяпти. Ана шундай вазиятда кечаги кунимиз қандай ўтаётган эди, бугун у қандай? Эртанги кунда қандай муҳим ишларга қўл урамиз, бунинг учун бугунги фаолиятимизни қай даражада ўзгартириб боришимиз керак? Аҳоли кенг қатламининг меҳнаткашларнинг ҳимоячиси, суянчиғи бўлишдек шарафли вазифани ўз зиммасига олган касаба уюшмалари, бошланғич ташкилотлар ўз фаолиятларида қандай ўзгаришларга амал қилишса-одамларнинг юксак ишончи уларнинг ҳамроҳи бўлади?

Яқинда Бўка тумани марказида бўлиб ўтган касаба уюшмалари раислари ва фаолларининг ўқув семинари ана шундай долзарб ва муҳим масалаларга бағишланди. Йиғилишни кириш сўзи билан очиб, кун тартибига қўйилган масалалар билан йиғилганларни таништирган Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова, Бўка тумани ҳокими Рахим Обидовга сўз берди. Ҳоким тумандаги 1997 йил ижтимоий-иқтисодий якунлар ва 1998 йил режалари ҳақида, бу вазифаларни амалга оширишда касаба уюшмаларининг яқиндан кўмаги ҳақида тўхталиб ўтди.

Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Тошкент вилоят кўмитасининг раиси Камол Шодиметов «Жамоа шартномаси - касаба уюшмалари фаолиятида асосий дастур» мавзуида маъруза қилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юридик бўлимининг бошлиғи Ҳамидулла Примқуловнинг «Янги меҳнат қонунини ҳаётга тадбиқ этишда касаба уюшмаларининг роли ҳақида»ги маърузаси, Федерациянинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлимининг консультанти Клара Шоюсупованинг «Янги солиқ кодекси» ҳақидаги суҳбатини йиғилганлар қизиқиш билан тингладилар.

Шуниси диққатга сазоворки, вилоят касаба уюшмалари кенгаши бундай ўқув-семинарларни пойтахт вилоятининг барча шаҳар ва туманларида алоҳида график асосида ўтказмоқда.

Темур ҲАЙДАРОВ.

Бизнес инкубатор: ислоҳотлар йўлида

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

(Республика бизнес инкубатори кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимларидан бири саналади)

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қуватлаш давлат дастурига биноан 1996 йилда мамлакатимизда Республика бизнес инкубатори ташкил этилган эди. БМТ ҳамда ПРООН/ЮНИДО халқаро ташкилотларининг минтақавий ваколатхоналари ёрдамида тузилган ушбу инкубатор айни пайтда мамлакатимиз вилоятларидаги 25 та бизнес-инкубаторнинг ишини мувофиқлаштирувчи марказ ҳамдир. Суҳбатдошимиз — Республика бизнес инкубаторининг бош директори Ҳ. Ҳакимов.

— Кичик ва ўрта бизнес — тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ҳамюртларимиз айнан бизнес инкубаторлар кўмакдошлигида 350 дан ортиқ кичик корхоналар ташкил этишган бўлиб, улар томонидан қарийб 700 миллион сўмлик товар ва хизматлар ишлаб чиқарилди. Нафсиламрини айтганда, бизнес инкубаторларни тузиш, уларни Давлат Мулки қўмитаси ҳамда ПРООН/ЮНИДО нинг минтақавий ваколатхоналари томонидан молиявий қувватлаб туриш жараёни охирлаб қолди. Эндиги вазифа мавжуд тизилмалар ишини сифат ўзгаришлари сари буришдан иборат.

— Тизим фаолиятидаги сифат ўзгаришлар асосан қандай намоён бўлади?

— Бизнес инкубатор субъектлари сифатида ташкил этилиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида товар ва хизматлар ишлаб чиқараётган асосан ўз фаолиятларини экспортга йўналтирилган ҳамда импорт маҳсулотлар ўрнини босувчи товар-хизматлар бунёдкори бўлишлари зарур. Бундан ташқари, тизимда илғор технологияларни жорий этиш, тадбиркорлар малакасини бозор иқтисодиёти талаб этаётган даражаларга кўтариш муҳим вазифага айланган. Шартли қилиб олганда, инкубаторга 500 минг сўмлик айланма сармоя билан келганлар икки-уч йил орасида 3-4 миллион сўмни «айлантир»масалар кифоя эмас.

Фаолиятимизни таҳлил этар эканмиз, жойлардаги кўпгина бизнес инкубатор раҳбарларида менежмент, маркетинг, ҳуқуқ соҳалари, хорижий тилларни ўзлаштириш ишлари суст бораётганини кўриш мумкин. Шу туфайли бундан буён бизнес инкубатор раҳбарларини ҳар йили аттестациядан ўтказишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Бу хилдаги имтиҳонларимизда асосий эътибор бизнес инкубаторлар томонидан амалга оширилган иқтисодий лойиҳалар, грант ва кредитлардан фойдаланиш самарадорлиги, тизимда тузилган қўшма корхона ва бошқа хўжаликлар фаолияти, шунингдек, республика доираси ҳамда яқин ва узоқ хориждаги ишбилармонлик алоқаларининг кўламига қаратилади.

— Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш долзарб ҳаётий вазифага айланиб бораётир. Ислоҳотларнинг ушбу йўналишида фаолият кўрсатиб, қарийб 2,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратишга муваффақ бўлган бизнес инкубаторлар олдида ҳал этилмай қолаётган масалалар ҳам борми?

— Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, бизнес инкубаторларнинг ривожланиш лойиҳаси бугунги кунда бор-йўғи 40-50 фоиз қувватда ишлаб турибди. Тизим раҳбарларининг касбий малакасини ошириш, энг асосийси эса республикамиздаги бизнес инкубаторларни замонавий офис хоналари, автотранспорт ва бошқа сўнгги нусхадаги технологиялар билан қуролланишига кўмаклашиш тизимнинг янада тараққий этишига омил бўлган бўларди. Ачинарли томони шундаки, бизнес инкубаторларга тегишли ҳукумат қарорлари асосида ҳалигача маълум бир статус — мақом берилмаган. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаётган мазкур тизимнинг мақоми кўрсатилган ҳужжатларда республика ва маҳаллий доирадаги ҳокимият идораларининг молиявий ёрдамлари, техник-ташкилий жиҳатдан хайрихоҳлиги белгиланишини жуда истардик. Масалан, бизнес инкубаторларнинг оёққа туришдаги дастлабки уч-беш йилликларида маҳаллий ҳокимиятлар зур иштиёқ билан тизимга сармоя ажратганини ҳориж тажрибасидан кўриш мумкин. Республикамизда ҳам ҳокимиятлар мазкур тизимга муассислик қилиш, иншоот ижараси, коммунал харажатларини ўз зиммаларига олганларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш бизнес инкубаторлар учун осон кечарди. Ёки бўлмаса, бизнес инкубатор субъектлари ҳисобланмиш корхоналарнинг бюджетга тўлайдиган даромаддан солиғининг маълум қисми ўз-ўзини молиялаш ишига ажратилганида мақсадга мувофиқ бўларди. Ишни бу тартибда ташкил этиш бизнес инкубаторларнинг ўзида ҳам меҳнат натижаларига бефарқ қолмаслик, янада самаралари фаолият юритишга рағбатлантирган бўлар эди.

Техник-ташкилий масалаларда ечилмай қолган муаммолар мавжудлиги туфайли вилоятдаги бизнес инкубаторлар маҳаллий ҳокимият, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи бошқа институтлар билан узвий алоқада бўла олмаяпти. Жойларда чет эл сармоясини жалб этиш жараёни ўта суст амалга ошмоқда. Ҳозирги кунда «Элга-Осиё» ўзбек-рус қўшма корхонаси (Тошкентда) ҳамда «Пируз» ўзбек-эрон қўшма корхоналари (Самарқандда)гина ишлаб турибди. Тўғри, тизимда яна иккита қўшма корхона очиш мулжалланган, лекин бу кўрсаткич бизни умуман қониқтирмайди. Меҳнат ресурсларига бой, иқтисодий жиҳатдан юқори салоҳиятли мамлакатимизда қанчадан-қанча фойдали лойиҳаларни ишга тушириб юбориш, бу жараёнларга кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятини унумли жалб этиш мумкин бўларди.

Суҳбатдош: Инера САФАРГАЛИЕВА.

Истеъмолчи манфаати — муқаддас

ТЕЗКОР ГУРУҲ ХИЗМАТГА ТАЙЁР

Давлат солиқ қўмитаси ва унинг вилоят бошқармаларидаги «Ишонч» телефонлари тинмай жиринглаб туради. Одамлар ўзлари кўрган-билган нохуш воқеалар ҳақида куюниб маълум қиладилар, шошилинч чоралар кўришни талаб этадилар.

Маълумотлар олиниши биланоқ солиқчилар орасидан тузилган тезкор гуруҳлар воқеа содир бўлган жойларга жўнаб кетади. Бугун шундай текширувлар давомида гуруҳ аъзолари фош этган қонунбузарликлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

УСТИ ЯЛТИРОҚ...

Бекатлардаги кутичадек дўконларга кирсангиз, турли хил молларнинг кўплигидан кўзингиз қамашади. Қани энди, шуларнинг ҳаммаси истеъмолга яраса. Афсуски, пештахталарни тўлдириб турган озиқ-овқат маҳсулотларида мувофиқлик сертификати йўқда.

Тезкор гуруҳ аъзолари бир кунда ўн битта бекатдаги дўкончаларни кўздан кечириб чиқдилар. Шундан ўнтасида сотилаётган маҳсулотлар сифатини қафолатлайдиган ҳужжат йўқ эди. Кўпгина турдаги маҳсулотларнинг истеъмол муддати аллақачон ўтиб кетган.

Солиқчилар сертификататаётир. Бундан ташқари, кирим қилинмаган маҳсулотлар ҳам талайгина. Кирим қилинса, даромад солиғи тўлашга тўғри келишини ғирром дўкондорлар яхши билишади. Шу боисдан ҳам кўпгина харидоргир молларни кирим дафтарига қайд этмай, қандай келган бўлса, шундайлигича устама нарх билан пуллашга одатланиб қолишган экан.

Лекин бу гал ҳийла-найранглари ўтмади. Тезкор гуруҳ аъзолари ўн битта дўкончадан жаъми 737 минг 570 сўмлик кирим қилинмаган молларни йиғиб олдилар...

Ҳукуматнинг қарорига мувофиқ турғун дўконларнинг ҳаммасида савдо тушуми назорат касса машиналаридан ўтказилиб тезда банкга топширилиши керак. Бу тартиб-қоидани билгани ҳолда дўконларнинг атиги учтасида назорат касса-машиналари борлиги маълум бўлди. Лекин улар ҳам ишламасди. Демак, савдо тушумлари банк муассасаларига вақтида топширилмай бошқа мақсадларга сарфлаб келинган.

Текширув материалларининг ҳаммаси Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармасига топширилди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилаяпти. Айбдорлар албатта жазоларини олишади.

ҚЎЛБОЛА «ОСИЁ»

Солиқчилар Уйчи шаҳарчаси марказида жойлашган «Бахор» хусусий дўконига кириб келишганида сотувчи Алишер Набиевнинг ранги дока рўмолдек оқариб кетди. Бу бежиз эмасди. Дўконда ҳеч қандай ҳужжатсиз ва акциз маркасисиз 26 шиша «Осиё» ароғи сақланаётган экан. Солиқчиларнинг кўзи шишаларга тушгач, Алишер шоша-пиша тушунтиришга киришди.

- Равшан Каримов деган дўстим уйланмоқчи эди. Тўяна қиламан деб Намангандаги «Сардоба» бозоридан олиб келдим. Ўша ерда Зокир Юсупов деган ароқфуруш бор. Ҳамма ўшандан олади.

Солиқчилар Алишернинг гаплари қанчалик тўғрилигини текшириш учун «Сардоба» бозори томон йўл олишди. Алишер Набиев ва Равшан Каримов ҳам уларга ҳамроҳлик қилди. Шу жойда бир сахна ўйналди. Равшан Зокир «ароқфуруш»нинг олдига бориб, 200 шиша «Осиё» ароғи олмоқчи эканлигини билдирди.

- Уйда бор,-деб шивирлади Зокир у ёқ-бу ёққа аланглаб. Донаси 150 сўмдан. Жаъми 30 минг сўм бўлади.

- Гап йўқ, ака,-деди Равшан ҳам сир бой бермай. - «Дамас»да келганмиз. Қани кетдик бўлмаса.

Воқеалар худди дедектив кинолардагидек ривожланиб борарди. «Дамас»нинг орқасидан қорама-қора солиқчилар ҳам йўлга тушишди. Ниҳоят «Дамас» Қўқон кўчасига бурилиб, 98-уй олдида тўхтади. Равшан билан Зокир ичкарига кириб кетишди. Савдолар битиб, Равшан 30 минг сўмни санаб бераётган пайтда ҳовлида солиқчилар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг ходимлари кўринишди.

Зокир тахтадек қотиб қолди. Солиқчилар секин-аста қўлбола ароқ цехини кўздан кечира бошладилар. Чап томондаги ҳонада яна 145 шиша «Осиё» ароғи сотишга тайёр қилиб қўйилган экан. Яшик-яшик ароқлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ўша куни солиқчилар Наманган шаҳар 1-сон тиббий шифохонасига кираверишдаги пастаккина бинода жойлашган яна бир дўкончани кўздан кечиришди. Дўконча ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган бўлсада, эгаси Шамсиддин Жалоловга соғин сигирдек хизмат қилар экан. Текширувчилар келганини пайқаб қолган Шамсиддин бир зумда орқа эшикдан ғойиб бўлди...

Солиқчилар дўкончадаги маҳсулотларни гувоҳлар иштирокида бир-бир кўздан кечириб чиқдилар. Бурчакда акциз маркасиз 170 шиша «Осиё» ароғи яшикларда тахланиб турарди. Унинг ёнида 232 та «Осиё» ароғи ёрлиғи, уларни ёпиштиришда ишлатиладиган елим, қопқоқлар ва бошқа ускуналар кўзга ташланди. Қўлбола ароқлар ва уларни тайёрлашда қўл келадиган жиҳозларнинг ҳаммаси ашёвийдалил сифатида рўйхатга олинди.

Тадбиркорликнинг таъқиқланган турларини ўзларига касб этиб олган Зокир Юсупов ва Шамсиддин Жалиловга нисбатан жиноий жавобгарлик ҳолатларини белгилаш лозим деб топди. Набихон Тожибоев эса, ноқонуний равишда савдо фаолияти билан шуғулланганликда айбланиб маъмурий жавобгарликка тортиладиган бўлди.

БЕНЗИННИ СУВ-ДЕК САРФЛАБ

Минг бора шукурки, эндиликда эҳтиёжимизга яраша нефт маҳсулотлари ўзимиздан чиқаяпти. Бу бензинни ёки бошқа хил ёнилғи мойлаш материалларини сувдек сарфлайвериш мумкин, деган гап эмас. Аксинча, сарфиётда тежамкорликни кучайтириш, табиий бойликларимизни асраб-авайлаш устида кўпроқ қайғуришимиз керак. Шунда мўл-кўлчилик лаш мақсадида ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

КУНЖАРАНИНГ ТАХИРИ ЧИҚДИ

Қутбиддин Низомовнинг туни билан уйқуси келмади. Бўрдоқичилик базасига берилаётган ўн тонна кунжарани қандай қилиб «гум» қилиш мумкин?

Базага олиб келгани билан моллар унга раҳмат дермиди! Қуруқ хашак бор, жағи қимирлаб турса бас-да.

Қутбиддин хонадонда мол боқадиган ҳамшаҳарларининг қўйнига бир-бир қўл солиб чиқди. Охири Набихон Тожибоев билан тил топишиб қолди. Набихон 10 тонна кунжарани кўтарасига 65 минг сўмга сотиб оладиган бўлди.

- Молнинг нархини анча туширib юбординг-из,-деди Қутбиддин. - Энди транспорт ҳақи сизнинг бўйнингизга. Иккита юк машинасини гаплашиб қўйганман. Заводдан кунжарани ортади-ю, тўғри келиб уйингизга туширади. Истасангиз эртага ўзингиз бошлаб келинг.

Эртаси куни Наманган вилояти савдо-харид уюшмасига қарашли Наманган шаҳар хўжалик ҳисобидаги бўрдоқичилик базаси таъминотчиси Қутбиддин Низомов ва харидор Набихон Тожибоев Учқўрғон ёғ-экстракция заводи олдида учрашишди. Ҳамма иш ҳамиздан қил суғургандек енгил кўчди. Кунжара Учқўрғон тумани фуқаролари М.Комилов ва А.Иномовларнинг юк машиналарига ортилди. Набихоннинг ўзи олдиндаги машина кабинасига ўтириб уйига бошлаб кетди.

Ҳамма машмаша юк Набихоннинг ҳовлисига туширилаётган пайтда бошланди. Вилоят солиқчилари сирли «операция»дан хабардор эканлар чамаси, кунжара хонадонга айни туширилаётган пайтда пайдо бўлиб қолдилар. Набихон бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Сўнг ўзини яна қўлга олиб бўлган воқеани бир-бир сўзлаб берди.

Солиқчилар шундан кейин Қутбиддин Низомов фаолиятини чуқурроқ текшириш кераклигини англаб бўрдоқичилик базаси томон юрдилар. Бу ерда унинг зиммасидаги моддий-товар бойликларини ҳисоб-китоб қилиб чиққанларида 21 минг 483 сўм миқдорида камомад борлигини аниқладилар.

Ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзасидан тўпланган материаллар асосида вилоят давлат солиқ бошқармаси Қутбиддин Низомовга нисбатан жиноий жавобгарлик ҳолатларини белгилаш лозим деб топди. Набихон Тожибоев эса, ноқонуний равишда савдо фаолияти билан шуғулланганликда айбланиб маъмурий жавобгарликка тортиладиган бўлди.

БЕНЗИННИ СУВ-ДЕК САРФЛАБ

Минг бора шукурки, эндиликда эҳтиёжимизга яраша нефт маҳсулотлари ўзимиздан чиқаяпти. Бу бензинни ёки бошқа хил ёнилғи мойлаш материалларини сувдек сарфлайвериш мумкин, деган гап эмас. Аксинча, сарфиётда тежамкорликни кучайтириш, табиий бойликларимизни асраб-авайлаш устида кўпроқ қайғуришимиз керак. Шунда мўл-кўлчилик бўлаверади.

Афсуски, «Ўзавтотранс» тизимидаги айрим автокорхона раҳбарлари ёнилғимойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланишга етарлича эътибор бермаяптилар. Бу солиқчилар ўтказган текширув давомида яққол кўзга ташланди.

Солиқчилар тизимидаги корхоналарнинг 247 тасида текширув ўтказганларида шундан 172 тасида турли хил бузилишларга йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди. Бир жойда нефт маҳсулотлари ортиқча сарфлаб юборилган бўлса, иккинчи жойда камомадга йўл қўйилган эди.

Биргина «Сирдарётрансэкспедиция» корхонасидаги моддий жавобгар шахс Б.Шукуровдан 14 минг 680 сўмлик камомад чиқди. Текширув давомида қўлдаги талонлар билан сарфланган бензин ўртасида катта тафовут борлиги аниқланди. Демак, Б.Шукуров бензинни фақат талонга эмас, нақд пулга ҳам сотаверган. Тушган тушум эса кассага эмас киссасига тушиб кетаверган. Ҳозир тергов ишлари олиб борилаяпти.

«Жиззахтранс»га қарашли 160-автотранспорт корхонаси раҳбарлари назоратни бўшаштириб юборганликлари учун моддий жавобгар шахс Т.Тўймиев қалбаки ҳужжатлар тузиб, ёнилғи-мойлаш материалларини ноқонуний равишда ҳисобдан чиқаверган. Фақат бир ой давомида ҳисобдан чиқарилган бензин миқдори 600 литрни ташкил этади. Буни пулга чақсангиз 11 минг сўмдан ортиб кетди. Ёнилғини нормадан ортиқча ҳисобдан чиқариш ҳоллари бошқа автокорхоналарда ҳам учраяпти.

Кўпгина корхоналарда ажратилган ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланишга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Биргина Термез шаҳар автотранспорт корхонасида қисқа вақт ичида 483,9 минг сўмлик ёнилғи ва 29,4 минг сўмлик қисилган газ белгиланган нормадан ортиқча сарфланибди. Шундай ҳол «Қорақалпоқтранс»нинг 19-автобус паркида ҳам кўзга ташланади. Бу ерда ҳайдовчилар нормадан ташқари 51,9 минг литр бензин, 44,5 минг литр дизел ёнилғисини сарфлаб юборишган. Буни пулга чақсангиз 1.7 миллион сўмдан кам бўлмайди. Андижон вилояти автокорхоналарида ҳам бензин сувдек сарфланаётганлигини кўриб солиқчилар ёқа ушлаб қолишди.

Бундай ҳолатлар машиналардаги спидометрларнинг ишламаётганлиги, давлат транспортидан шахсий манфаат йўлида фойдаланилаётганлиги, ҳайдовчилар ўртасида тушунтириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Ваҳоланки, давлат мулкига ҳиёнат қилиш бу ўзимизга, ўз ватандошларимиз ризқига чанг солиш дегани билан баб-баравардир.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

Жиззах вилояти «Дўстлик ҳиссадорлик жамияти» касаба уюшмасининг раиси Бўрибой Дўстбеков ташаббуси билан кўплаб ишчи ўринлари яратилди. 400 дан зиёд ишчига эса янги касаба уюшмаси аъзолиги билетларини топширди.

Суратда: (ўртада) Б.Дўстбеков жамият аъзолари Козим Ғозиев, Назарали Собировлар билан.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Юртдошлар эҳтироми

Фарғонада ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган умумхалқ ҳашари ўтказилди. Унда вилоятдаги барча ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тармоқлар, турли ташкилот ва муассасалар жамоалари қатнашди. Шу куни бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, кенг кўламда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Аҳмад Фарғоний жамғармаси ҳисобига йигирма миллион сўм ўтказилди.

Р.Камолов,
ЎзА мухбири.

Иқтисодиёт

ЖУНИ ҚАЙТА ИШЛАЙДИГАН КОРХОНА

Фориш туманидаги кончилар шаҳарчаси — Банд қўрғонида жунни қайта ишлайдиган «Фориш-Жун» корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Унга Камол Аҳмедов раҳбарлик қилаяпти. Корхона фаолияти учун керакли асбоб-ускуналар Москвадаги «Техлён» акциядорлик жамиятининг кўмаги орқали Кастрома шаҳридан Форишга олиб келинди. Россиядан олиб келинган жунни титадиган, тароқлайдиган, чўткалайдиган ип йигирадиган, ипларни калава қиладиган дастгоҳлар ўрнатилганига ҳам беш ойча вақт бўлди. Дастлаб корхонага 12 нафар йигит ва қиз ишга қабул қилинди. Ҳозир уларнинг сони 60 тага етай деб қолди. Иш уч навбатда (сменада) олиб борилаяпти. Ҳар навбатда 60 килограмм жун ювилиб-титилиб, ундан 20 килограмм сифатли ип йигирилмоқда. Демак, тўқимачилар учун бир кунда 20 килограмм жун ипи ишлаб чиқарилмоқда.

Дастлаб йигирилган иплар Жиззах шаҳридаги «Зилола» устки-трикотаж буюмлари ҳиссадорлик корхонасига етказиб берилди. Тўқувчиларга Фориш калава иплари манзур бўлди. Самарқанд шаҳридаги тўқимачилик корхонасига эса 500 килограмм жун ипи сотилди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган иплардан сифатли жемпер, пайпоқ, қўлқоп ва бошқа буюмлар тўқиш ҳам йўлга қўйилди. Бунинг учун 12 нафар хотин-қиз шартнома асосида ишга қабул қилинди ва уйларида туриб пайпоқ ва жемперлар тайёрлайдиган бўлишди. Улар тайёрлаётган кийим-кечаклар тумандаги қаровчисини йўқотган, ногирон, етим ва бошқа тоифа кишиларига хайрия сифатида тарқатилди.

Фориш-чорвадорлар ўлкаси. Чорвадорлар парваришлаётган қўй-қўзиларнинг жунлари эндиликда жунни қайта ишлаш корхонаси ишчиларининг, хусусан Ф.Тўйчиева, Д.Кенгашеваларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига турли кийим-кечаклар тарзида аҳолига қайтмоқда.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

«Ховос Нон» кичик корхонасининг булочка тайёрлаш цехида сифатли ва мазали маҳсулотлар чиқишида шу корхона ишчиси Насиба Содиқованинг ҳиссаси каттадир.

Суратда: Н.Содиқова иш пайтида.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ҚОНУН ВА ИЖРО

МАКТАБДА БАНК СИНФЛАРИ

Ўтган йилнинг 29 августида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессияси қабул қилган муҳим ҳужжатлар —«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» халқ таълими тизими олдига долзарб вазифаларни қўяди. Бозор иқтисодиёти даври мактабга, унинг ўқитувчисига янги талаблар қўймоқдаки, ҳозирги кунда ўқитувчи иқтисодий, ҳуқуқий экологик билимлардан хабардор бўлиши шарт. Ўз касбий билимидан ташқари давр қўяётган технологиядан зарур амалий қуникмага эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»ига мувофиқ таълим соҳасида компьютерлаштиришга эътибор кучайди. Мактаб ва институтларга компьютерлар жадал кириб келди. Бу борада Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактабда қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

18.50 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». Сериал. 70-серия.
19.40 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал. 17-фильм — «Разведкачи ва контрразведкаси».
20.10 «Нафи тегади».
20.20 «Криминал».
20.35 «Футбол клуби».
21.00, 24.00 — «Бугун оқшомда».
21.40 «Шу куннинг қаҳрамони».
22.00 Сидни Шелдон кинода. «Ҳеч нарса абадий эмас». Бадиий фильм. 2-серия.
00.35 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Ювентус» — «Динамо» (Киев).
02.30 «Сегодняшко».
02.50 «Бугун ярим тунда».
03.15 Чемпионлар лигасининг кундалиги.

ҚозТВ
6.30—8.00 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
* * *
16.55 Қозоғистон телевидениеси — 40 ёшда.
17.25 Мультфильм.
17.55 «Хит-парад».
18.05 «Молия олами».
18.10 Концерт.
18.25 «Ажойиб».
18.50 «Ютуқ» салони.
19.00 «Замин». Экологик альманах.
19.20 «Сифат».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
20.55 «Омонат».
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Прессинг». Спорт янгиликлари.
21.50 «Довонда». Бадиий фильм.
23.00 «Ютуқ» салони.

ШАНБА, 7

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Санамлар сарвари».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.40 «Истеъдод».
10.05 «Оқибат».
10.25 «Германия — музейлар мамлакати».
*
10.40 «Шеър ва шуур».
10.50 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
11.20 «Дўрмон ҳангомалари».
12.00 «Маҳзун чечак». Бадиий фильм (Туркия).
13.20 «Катта танаффус». Телевизион ўйин.
13.50—14.20 Лирик тароналар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бир жаҳон болалармиз».
18.15 «Ғазалхон ёшлигим».
18.35 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Хайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Омонлик тилаймиз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.20 «Аёл гўзаллиги оламни безар». Мусиқий дастур.
22.10 «Жаҳон спорти».
22.20 «Келин-куёв». Телешоу.
23.05 «Ахборот».
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури.
23.30 «Нозик». Кинокомпозиция.
23.50 «Жан Кристофф». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
01.30—01.35 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.45 «Тақдим».
10.55 «Дубляж».
11.10 «Туйғуларим».
11.15 «Билиб қўйган яхши».
11.30 «Таурас куч тўпламокда». Телесериал.
12.20 «Учрашув».
12.50 «Яхши дам олинг».
13.10 «Ривоят».
13.20 «Маслаҳат».
13.40 Бокс. Бокс. Бокс.
*
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 «Мутойиба».
14.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал (АҚШ).
15.15 «Болливудга нигоҳ».
15.35 Спорт қитъаси.
16.05 «Онагинам».
16.25 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
16.45 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.35 Шарқ эстрадаси.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 «Қонун ҳимоясида».
18.40 «Дилбарим».
19.00 «Ханда дўкони».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Зиё учун ташаккур».
20.10 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
20.30 «Ахборот».

21.00 «Спорт қитъаси».
21.30 «Даракчи».
21.40 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
22.10 «Мафтункор чеҳралар». Байрам сони.
23.10 БАТ—Ўзбекистон намойиш этади.
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Сиз ёқтирган фильмлар. «Салом, холангизман!».
01.00—01.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ III
17.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.15—24.00
*
24.00 Эълонлар.
00.05—00.15 «Фарғона — олтин водий».Телефильм.

ЎзТВ IV
10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 Биргаликда куйлайлик.
11.25 «Шанба эртаги».
12.35—13.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультомоша».
19.00, 22.45 Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 Далил ва шарҳ.
20.15 «Сиз учун». Дам олиш дастури.
20.45 «Рақслар қанотида».
21.10 «Ассалом, Франция!»
21.35 «Тақдирлар».
21.55 «Чинсэн».
22.25 «Хит-коллекция».
22.50 Киносалон.
00.20 «Бу ажиб дунё».
00.35 —00.45 «Хайрли тун!»

30-канал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 Ҳужжатли кино.
11.00 «Брюс Лазер» тақдим этади: «Полициячининг ҳаёти учун». Детектив.
12.45 «Устозимиз доктор Шпехт». Сериал (Германия).
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал.
15.00 «Малла». Болалар учун фильм.
16.30 «А дан Я гача».
17.00 Мультсериал.
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий материаллар». Телесериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Альфред Хичкок намойиш этади». Телесериал.
20.40 «Мусқаймоқ». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Ғаройиб воқеалар». Телесериал.
22.10 «Икковлон». Телесериал.
23.05 «Юлдузлар ёғилганда». Мусиқий дастур.
23.30 «Видеомода».

Ярим тундан сўнг «30-канал»да:
24.00 «Учбурчак». Драма.

РЖТ
8.00 Маргарита Терехова ва Михаил Боярский «Ит пичан емас, отга ҳам бермас» мусиқий комедиясида.
9.10, 16.00 — «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
9.40 «Лотто-миллион».
9.45 «Руҳоний сўзи». Митрополит Кирилл.
10.00, 15.00, 17.50 — Янгиликлар.
10.10 «Хонаки кутубхона».
10.30 «Мусиқий почта».
11.10 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
11.45 «Смак».
12.05 «Бир нодир асар тарихи».
12.30 «Ақлли болалар ва ақлли қизлар».
13.20 Алла Пугачеванинг севимли фильми.
15.20 «Ҳайвонот оламида».
16.25 «Том ва Жерри». Катта мультфильм.
18.15 Комиссар Каттани «Спрут-4» сериалида. 2-серия.
20.10 «Жентльмен-шоу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 Жаҳон киноси. Жулия Робертс ва Ричард Гир «Сарвиноз» машҳур фильмида.
24.00 Биринчи канал коллекцияси. Бриджит Бардо ва Жанн Моро Луи Малянинг «Вива, Мария» саргузашт фильмида.

РДТ
7.00 «Тонгги экспресс».
7.50 «Деҳқон тонги».
8.20 Мультфильм.
8.30 «Диққат-эътиборингизда».
8.55 «Кузяга қўнғироқ қилинг». Болалар интерактив ўйини.
9.25 «Кучугурлар ва унинг теварак атрофи». Ҳужжатли сериал премьераси. 1-фильм.
9.50 «Ҳамманинг оғзида». Наталья Дарьялова дастури.
10.20 «Ҳайрли тонг, юртим!».
11.10 «Ўз-ўзига режиссёр».
11.40, 16.50 — РДТ почтаси.
12.10 Инна Макарова, Нина Сазонова, Галина Яцкина ва Виталий Соломин «Аёллар» фильмида.
14.00, 20.00 — «Вести».
14.20 Мультфильм.
14.30 «Одамлар ва пуллар».
15.00 «Федерация».
16.00 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
17.00 «Русча жанг».
17.55 «Мутлақо махфий».
18.55 «Менинг оилам».
20.40 «Шербург соябонлари». Бадиий фильм (Франция).
20.20 «Мусиқали ринг — янги авлод». Алёна Свиридлова ва Максим Леонидов.
24.00 «Сирларим гули». Бадиий фильм.

ТВ-6
9.00, 22.15 — «Севсанг — қара». Видеоклиплар.
9.25, 19.35 — «Йўл назорати».
9.35, 18.40 — «Диск-канал».
10.25, 10.55, 15.40 — Мультфильмлар.
11.40 «Цептер-совға».
11.55 Болалар сеанси. «Қизча ва тимсоҳ».
13.05, 01.45 — «Тонгги кичик шоу».
13.30, 19.30, 02.10 — «ТСН-6».
13.45 «ТВ-6» кинотеатри. Аркадий Райкин «Одамлар ва манекенлар» фильмида. 1-серия.
15.10 «Ҳалокат юз берган жойда».
15.25 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
16.05 «ТВ-6» ҳудуди. А. Политковский дастури.
16.40 Дам олиш куни сериали. «Сирли орол». 38, 39-сериялар.
17.35 «Кинескоп».
19.50 «Миллий география жамияти» билан саёҳат.
20.55 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида»: баҳор байрами муносабати билан хотин-қизларга қутлов.
21.25 «ОСП-студия».
22.30 «Ҳафта можаролари».
23.00 «Фитиль». Ҳажвий киножурнал.
23.30 «ТВ-6» кинотеатри. «Золушка ва шаҳзода». 3 ва 4-сериялар (Италия).
02.20 «Такси ТВ-6».
02.35 — 04.15 Тунги сеанс. «Салкам ҳомиладор».

НТВ
10.00 Тонги сеанс. «Ҳужум маркази». Бадиий фильм.
11.15 Мультфильм.
11.35 «Тоғлик». Болалар учун мультсериал. 29-серия.
12.00 «Бугун эрталаб».
12.10 Криминал. «Чин дилдан иқрор бўлиш».
12.30 «Мени тушун». Телеўйин.
13.00 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Зена — жангчилар қироличаси». 1-серия (АҚШ).
13.45 «Винт»дан бошлаб...
14.00 «Матбуот рейтинги» Александр Герасимов билан.
14.30 «Олтин граммафон». НТВ ва «Русское радио»нинг биргаликдаги мусиқий кўрсатуви.
14.45 Бизнинг кино. Ольга Мелихова, Игорь Костолевский ва Людмила Гурченко «Ўз ҳисобидан таътил» фильмида. 1 ва 2-сериялар.
16.55 «Мушукнинг уйи». Болалар учун мультфильм.
17.30 «Ўз уйини».
18.00 «Бугун кундузи».
18.15 Дам олиш куни сериали. «Нью-Йорк, Марказий хиёбон». 14-серия.
19.10 «Маски-шоу».
20.00 «Мен ва итим» дог-шоуси.
20.30 «Шу куннинг қаҳрамони галстуксиз».
21.00, 24.00 — «Бугун оқшомда».
21.40 Бизнинг кино. Елена Сафонова, Виталий Соломин ва Ивар Калниньш «Қишки олча» фильмида.
23.15 А. Пугачева ва Ф. Киркоров. «Бироз севги ҳақида».
23.45 «Қўғирчоқлар».
00.45 «Намедни-73».
01.35 «Якунлар» Виктор Шендерович билан.
01.55 «Ўша ҳақда». Ток-шоу.
02.35 Кино оламида. Эндрю Стивенс «Тунги қўриқчи» триллерида 1-серия (АҚШ).

ҚозТВ
9.00 «Ҳақиқат».
9.30 Мультсериал.
9.55 «Сиҳат-саломатлик».
10.15 «Еркем-ай».
10.40 «Талабалар саҳнасида».
11.00 ДАН 16.15 ГАЧА ПРОФИЛАКТИКА.
16.55 «Болаларча миннатдорчилик».
17.15 «Таурус кучга кирмокда». Телесериал.
18.05 «Гутен абенд!» Немис таҳририятининг кўрсатуви
18.30 «Умр — оқар дарё».
19.00 «Спорт+» телеканали таништиради.
20.00 «Гўзал қизлар».
20.20 «Ҳурматли аёлларимиз».
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Мусиқий саёҳат».
22.40 «Сўна». Бадиий фильм.

ЯКШАНБА, 8

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Туркистон» саройи. **Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.**
12.30 «Цирк, цирк, цирк».
13.00 «Спортимиз маликалари».
13.20 «Ёшлик» студияси. «Нима учун?»
13.40 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Гудду». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
15.00 «Беш бармоқ». Тележурнал.
15.30 «Онажонлар, сизга таъзим». Мусиқий дастур.
15.55 «Гудду». Бадиий фильм. 2-серия.
17.10 «Келин-куёв». Телешоу.
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.30 «Ёшлик» студияси. «Сочининг савдоси тушди».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 Телевизион миниатюралар театри.
21.55 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
22.25 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
23.25 «Жавҳар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.45 Спорт. Спорт. Спорт.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
24.00 Кино янгиликлари.
00.15 Жаҳон киноси юлдузлари.
00.35 «Бу ҳам кино». Сериал.
01.45—01.50 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «У ким? Бу нима?»
9.15 «Ерилтош». Мультўплам.
9.40 «Ғазал соғинчи».
10.00 «Таурас куч тўпламокда». Телесериал.
10.45 Дилбарим.
10.55 Болалар экрани. «Уйинчоқлар мамлакатига саёҳат».
12.15 «Мафтункор чеҳралар». Байрам сони.
13.15 «Спорт қитъаси».
13.45 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
«Якшанбада яхши дам» дастури.
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 Жаҳон халқлари эстрадаси.
14.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.10 «Интер-футбол».
15.55 «Таъзим». Мусиқий дастур.
16.15 «Бари ҳазил».
16.25 Мультипанорама.
16.55 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.40 «Келгуси ҳафтада».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сув ости дунёсига саёҳат».
18.35 15 дақиқа спорт ҳақида.
18.50 «Жараён».
19.10 Тақвим.
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 — Эълонлар.
20.00 «Изҳор».
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Нафосат даврасида».
21.40 «Даракчи».
21.50 «Сенга бахтдан тахт тиларман».
22.15 Бенни Хил шоуси.
22.30 Келгуси ҳафтада.
22.50 Якшанба кинозали. «Булутлар бағрида сайр».
00.15—00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ III
17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.50—00.10
*
00.10 Эълонлар.
00.15—00.40 «Панорама» (рус тилида)

ЎзТВ IV
9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 Якшанба эртаги.
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 «Ракурс».
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультомоша».
19.00, 22.45 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 Бугунги кун мавзуси.
20.05 Клип-антракт.
20.15 Хайрли оқшом.
20.45 Клип-антракт.
20.55 «Мусиқий Олимп».
21.15 «Буржлар башорати».
22.00 «БАТ — Ўзбекистон намойиш этади».
22.15 Жаҳон киноси юлдузлари.
22.50 Киносалон.
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

30-канал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Аёлларга муҳаббат билан». Байрам мусиқий дастури.
10.00 Ҳужжатли кино.
10.30 Ҳужжатли фильм.
11.00 «Настяси тушмагурей!» Болалар учун фильм.
12.15 «Куйлаётган аёл». Мусиқий фильм.
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Энг жозибали ва мафтункор». Комедия.
15.30 «Жароҳатланган муҳаббат». Психологик драма.
17.00 «А. Назаров тиббиёт маркази».
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий материаллар». Телесериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Альфред Хичкок намойиш этади». Телесериал.
20.40 «Висол». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Кордье» Детектив телесериал.
23.05 «XL -music». Мусиқий дастур.
23.30 Спорт кўрсатуви.

Ярим тундан сўнг «30-канал»да:
24.00 «Фестиваллар фестивали». «Олтин каска». Криминал мелодрама.

РЖТ
8.00 «Ит пичан емас, отга ҳам бермас». 2-серия.
9.10, 17.50 — «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
9.25, 16.10, 16.35 — «Дисней-клуб».
9.55 «Спортлото».
10.00, 15.00, 00.10 — Янгиликлар.
10.10 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 «Тонг юлдузи».
12.00 «Армия дўкони».
12.35 Мультфильм.
12.55 Татьяна Доронина «Плюшихадаги уч терак» фильмида.
14.20 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
15.20 «Саёҳатчилар клуби».
17.05 Леонид Якубович «Тарих ғилдираги» телеўйинида.
18.25 «98 йил қўшиқлари».
19.30, 21.50 — «Олтин серия». «Москва кўзёшларга ишонмайди». 1, 2-сериялар.
20.55 «Киноафиша».
21.00 «Время».
23.30 «Оқ тўти» клуби.
00.25 «Бўрибосар». Ўткир сюжетли фильм.

РДТ
7.00 «Тонгги-экспресс».
7.50 Мультфильмлар.
8.55 «Кузяга қўнғироқ қилинг». Болалар интерактив ўйини.
9.25 «Кучугурлар ва унинг теварак атрофи». «Ҳужжатли сериал.
9.55 «Хайрли тонг, юртим!».
10.45 «Шаҳарча». Дам олиш дастури.
11.20 Н. Бабкина ижодий кечаси.
13.15 «Парламент соати».
14.00 «Вести».
14.30 «Бир боқишда муҳаббат».
15.00 «Рус лотоси».
15.50 «Салом, Михаил Михайлович». М. Жванецкий концерти.
17.10 «Аншлаг ва Ко».
18.00 «Жаҳон гўзали-97». Гўзаллар танлови.
19.40 «Голубой огонёк».
22.00 «Кўзгу».
23.00 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм.
01.55 «К-2» Таништиради.

ТВ-6
9.00, 17.35 — «Севсанг — қара». Видеоклиплар.
9.25, 19.00 — «Йўл назорати».
9.35 «Диск-канал».
10.25, 10.55, 15.40 — Мультфильмлар.
11.25 Болалар сеанси. «Олов, сув ва мис карнайлар».
12.55 «Мазаси оғзингда қолади» таомлар шоуси.
13.30, 19.30 — «ТСН-6».
14.00 «ТВ-6» кинотеатри. Аркадий Райкин «Одамлар ва манекенлар» фильмида. 2-серия.
15.25 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
16.05 «Канон».
16.40 Дам олиш куни сериали. «Сирли орол». 40, 41-сериялар.
17.50 «Ҳафта спорти».
18.30 «Рекордларга қасдмақасд». Ҳажвий дастур.
19.15, 19.35 Олег Газманов концерти. 1—2-қисмлар.
21.00 «Обозреватель». Таҳлилий кўрсатув.
21.35 «Дилбарсиз, дилбар...»
22.45 «Фитиль». Ҳажвий киножурнали.
23.00 «ТВ-6» кинотеатри. Жеймс Белуши, Элисон Портер «Жингалаксоч Сью» фильмида.
01.05 «Довдир». Ҳажвий сериал премьераси. 1-серия.
01.35 «Такси ТВ-6».
01.50 «Партиявий ҳудуд» теледискотекаси.
03.30 — 05.10 Тунги сеанс. Тинто Брасснинг «Севги ва эҳтирос» фильми (Италия).

НТВ
10.00 Тонги сеанс. Александр Ивановский «Сильва» мусиқий комедиясида.
11.35 «Тоғлик». Болалар учун мультсериал. 30-серия.
12.00 «Бугун эрталаб».
12.10 «Полициячиларнинг оддий иш кунлари».
12.30 «Мени тушун». Телеўйин.
13.00 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Зена — жангчилар қироличаси». 2-серия.
13.50 «Винт»дан бошлаб...
14.00 «Бола тилидан».
14.30 «Футбол асри».
15.00 Эски кино санамлари. Марчелло Мастрояни ва Клаудиа Мори «Олижаноб венециялик» комедиясида (Италия).
17.00 «Рус асри». Татьяна Шмига Андрей Караулов билан суҳбатда.
17.30 «Тўй». Севги тарихи.
18.00 «Бугун кундузи».
18.15 Дам олиш куни сериали. «Нью-Йорк. Марказий хиёбон». 15-серия.
19.10 «Перехват».
20.00 «Якунлар». Муқаддима.
20.45 Бизнинг эски кино. Андрей Миронов, Евгений Евстигнеев ва Ольга Аросева Эльдар Рязановнинг «Италияликларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари» комедиясида.
22.40 «Офарин!» «Қўғирчоқлар».
23.00 «Якунлар».
24.00 Кино олами. Сюзан Сарандон ва Джеймс Спейдер «Оқ сарой» фильмида (АҚШ).
02.00 «Якунлар». Тунги суҳбат.
02.30 Кино олами. Эндрю Стивенс «Тунги қўриқчи» триллерида. 2-серия.

ҚозТВ
8.00 «Манбалар».
8.15 Байрам табриги.
8.20 Болалар кўрсатуви.
8.40 «ҚозТВ — 40 йил кадрда».
9.00 «Сайёрамиз болалари дўстлашганда» (1970 й).
9.20 «Олтин калитча».
9.40 «Энши балапан».
10.05 «ҚозТВ — 40 йил кадрда».
11.00 «Чин дилдан».
12.00 «Таниш чеҳралар».
12.10 «Исм қандай пайдо бўлади?»
12.40 Концерт.
13.10 «Сирлашайлик».
14.20 «Чин дилдан». Эфирда — Тошкент.
14.30 «Шахс».
15.00 «Олтин шоҳсупа».
15.30 «Дўстлик экрани».
15.40 «Таниш чеҳралар».
15.45 «Учрашув».
16.15 ҚозТВ ёшлар таҳририяти таништиради.
16.45 Алмати дўстларни кутмоқда.
17.00 «Замин, Инсонга бўйсун».
17.45 Космос қаҳрамонлари — ҚозТВ меҳмони.
18.30 «Нуркисхан дўмбираси».
19.00 Эфирда — Москва.
19.25 «Томоша-тарту».
19.45 «Таниш чеҳралар».
19.50 «Голубой огонек». Байрам сони.
21.50 «Биздан сизга».
22.00 «ҚозТВ — 40 йил кадрда».

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:
Диаметри 12, 14 ммли арматураларни;
Диаметри 32, 35, 40, 45, 50, 63 ммли уголок (уч бурчак)ларни;
Пўлат лист (тахта)ларни;
Бир симли пўлат ҳамда икки симли рух тиканли симларни;
АНО-4(Украина) электродларини;
Қозогистондан олинган кальций карбидни;
СВО8-А пайвандлаш симларини;
ТО-10, ТО-30 қурилиш ковшларини;
Янги «КамАЗ» самосвал автомобилини;
«Супермаз» автобус автомобилини;
«Иванец», «КамАЗ» кран-автомобилларини;
«Мерседес», «Джип Мицубиси», «Форд» автомобилларини;
ГАЗ, ВАЗ, «Газель», УАЗ, «КамАЗ» сериясидаги автомобилларни;
«Волга», «Жигули», «Дамас», «Тико», «Нексия» ва «Эсперо» автомашиналари учун эҳтиёт қисмларини;
Мотор ёғини, тормоз суюқлигини, транс-миссион ёғини, аксессуарларни;
ЕВ-687 1,2 тонналик электрюклагичларни.
Мурожаат учун телефон: (3712) 77-84-36

“ПГС” ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:
Ресторанлар, кафе ва ошхоналар, ишлаб чиқариш ва маиший бинолар, шовқинсиз юқори самарали иситиш учун ҳар хил қувватдаги иситгичлар — калориферлар.
Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.
Ташкилот ва корхоналардаги; шифохона, санаторийлардаги; дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги; спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус даволаш электр ускуналари.
Кичик нонвойхоналар \4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга\
Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри С.Рахимов метро бекати.
Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

САМАРҚАНД ҚЎЗҒОЛОНИНИНГ 130 ЙИЛЛИГИГА

ЖАСОРАТ ВА ХИЁНАТ

Бундан 130 йил муқаддам Россия жангари қўшини Самарқандни эгаллаганида соҳибқирон Амир Темур пойтахти аҳолиси истилочиларга қарши бош кўтарди. Ана шу воқеаларга оид ҳужжатлар Самарқанд тарихининг қаҳрамонлик ва мунофиқлик, жасорат ва хиёнатга оид саҳифаларига ойдинлик киритади.

ГУБЕРНАТОР ҲИЙЛАСИ

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-губернатор Константин фон Кауфман(1867—1881) ўлкамиз тарихида Самарқандни уч кун ўтда куйдирган ва талаган босқинчи генерал сифатида машъум ном қолдирган.

1868 йилда у келгусидаги босқинчилик режаларини ниқоблаш учун Петербургга русларга ҳайрихоҳ кишилардан бир гуруҳини жўнатади. Бу вакиллар кимлар эди? Тарих уларнинг номларини авлодлар учун ўз саҳифаларига битган: Носир мулло Исоқ (Туркистон шаҳридан), Қози Мирзо Талашпан (Чимкентдан), оқсоқол Амин Суфи Шайхов (Иқон қишлоғидан), дуғлат қабиласи бийи, рус армияси майори Худойберган (Авлиё отадан), Саидазимбой Муҳаммадбоев, Эшонхон Имомхонов (Тошкентдан), қозикалон Юсуфхўжа Абдуллахўжаев (Хўжанддан), оқсоқол Абдуғаффор Саримсоқов (Жиззахдан) ва бошқалар эдилар.

1867 йил март ойида Петербургга етиб келган Туркистон вакиллари дабдаба ва иззат-икром билан кутиб олинади. Улар, тузилган режага асосан ҳукумат нозирликларида, Император саройида, Эрмитажда, халқ кутубхонасида, музейларда, фанлар академиясида, зоология боғида, Петропавловск қалъасида, фабрика ва заводларда, савдо биржаси, магазинларда, театр ва циркда, касалхоналарда, Император боғи (Царское село)да ва бошқа диққатга сазовор жойларда бўладилар. Бундай «меҳмондўстлик»нинг бош мақсади Россия давлатининг қудратини намойиш қилишдан иборат эди.

Туркистон вакилларини, ҳатто подшо Александр II нинг ўзи қабул қилди. Улар Туркистон аҳолисининг рус давлати тобелигига олинганлигидан бахтиёрлигини, императорга мангу содиқлигини изҳор этувчи мактубни топширганлар. Бу мактубга Тошкент, Туркистон, Хўжанд, Чимкент ва бошқа жой оқсоқолларидан 59 киши имзо чекиб, муҳр босган. Хоинликдан иборат «вазифа»ни адо этган юзи қора «Туркистон вакиллари»нинг, аслида Ватан ва халқ иродасини ифодалашга маънавий ҳуқуқлари бўлмаган.

Ана шу тариқа чор маъмурлари Туркистон генерал-гу-

(1)

бернаторлиги таркибидаги аҳоли гўё ўз «ихтиёри ва истаги» билан рус давлати фуқаролигига ўтганлигини жаҳонга намойиш қилишга уринган эди.

Замонавий ҳарбий қурол-аслаҳа жиҳатидан русларга баробар келолмаган Бухоро амири фон Кауфманга элчи жўнатиб, сулҳ шартномаси тузишни таклиф этди. Аммо, К. П. Кауфман Бухоро амири олдига жуда оғир шартлар қўйгач, бу шартномани имзоламаган Музаффар охирги умид билан Туркия ҳукуматига, Афғонистон ва туркманларга элчилар жўнатиб, шошилинч ёрдам сўради. Туркистондаги сўнгги воқеалар ҳақида ёзилган, бири амир Музаффарга, иккинчиси қушбеги Муҳаммадшоҳга оид икки мактуб 1868 йилнинг апрел ойида Маккадан-ҳаж сафаридан Истанбулга қайтган элчи Ҳожа Муҳаммад Порсо қўлига тегади. Амир Музаффарнинг 1868 йилнинг 7 февралида ёзилган, жами 14 киши имзолаган форсча мактубини у Туркия ҳукуматига топширди.

* * *

Бу мактубда шундай сатрлар бор:

«Сизларга сўнгги маротаба арз қиламизки, Россиянинг истилочилик фаолияти унинг журъатини янада оширди. Руслар бир неча вақтдан бери қароргоҳ сифатида фойдаланиб келишаётган Оқмасжиддан чиқиб, Ҳазрати Султон, Чимкент, Авлиёота ва Тошкентни қўлга киритиб, халқнинг кўпини шаҳид қилди ҳамда мусулмонларга ҳаддан ортиқ адолатсизлик ва зулм ўтказди.

Руслар бу воқеадан кейин бир йил ўтгач, Жиззах яқинига келган бўлсалар-да, мағлуб бўлиб, Сирдарё соҳилидаги

(2)

Тўрақўрғон деган мустаҳкам бир жойда қишладилар. Жаноби олий катта бир қўшин билан руслар устига юрди. Бухоро қўшини кучли ва тартибли бўлган русларнинг урушиш усулини билмаганлигидан ортга қайтди. Бунинг оқибатида русларнинг жасорати ошиб, Хўжандни олдилар ва анча мусулмонни шаҳид этдилар. Икки-уч ой кутган рус қўшини Хўжанддан чиқиб, Янгиқўрғонни олди ва Ўратепага яқин келди. Ўратепани олган руслар кўплаб мусулмонни ўлдирдилар. Жиззах сари юриб, бир ҳафта ичида Жиззах қўрғонини олган руслар бу ерда ҳадсиз-ҳисобсиз мусулмонни ўлдирдилар. Жаноби олий бу хабарни эшитиб, кўп сонли қўшинни Жиззахга жўнатди. Бу вазиятда руслар сулҳ шартномаси тузмоқчи эканликларини айтиб, Бухоро қўшинини ҳийла билан орқага қайтардилар. Қўшиннинг орқага қайтишидан кейин Янгиқўрғон ва Жиззахдан уч фарсах узоқликдаги сой бўйига келгани ҳақида хабар етгач, жуда кўп аскар ва тўп билан кофир устига юрилди. Икки-уч марта кичик жанглар бўлди. Оренбург ҳокими Янгиқўрғонда кутаркан, Бухоро амирига бир мактуб юбориб, сулҳ тузиш истагини билдирди. Бухоро амири русларга алданиб, қўшинни орқага қайтарди. Буни эшитган кофир қўшинини Янгиқўрғондан олмади. Ҳодисанинг вуқуъ этишини арз қилдик. Халифа ҳазратлари русларни мусулмонлардан узоқлаштирсин, шу тариқа исломият ривож топсин ва заифлашмасин. Бу тарафда Жаноби олий тўпхона қурдириб, 10.000 кишилик аскар кофир билан қарама-қарши турибдир. Агар Халифа ҳазратлари мактуб ёки киши билан русларни мусулмонлардан узоқлаштирса, давлатининг ривожини ва яхшиликла эсланишининг сабаби бўлажак. Чорасиз қолган бу мусулмонлар Халифанинг бу шарофати билан қутулсалар, амал дафтарига буюк савоб ёзилади. Ожизлик ва чорасизлик ичидаги мусулмонларнинг аҳволи Халифа ҳазратларига билдирилсин».

* * *

Лекин мусулмонларнинг халифаси — Туркия султони Абдулазизхон (1830—1876 йиллар) Бухоро амирига ёрдам берадиган аҳволда эмас эди. Чунки Россия таъсирининг Болқон ярим оролида ёйилиши Туркия давлатига қарши хавф солярди. Шунинг учун Фран-

(3)

ция императори Наполеон III таклифига биноан Парижда очилган катта бир кўргазмани томоша қилиш баҳонасида 1867 йилда Францияга кетиб, қайтишда йўл-йўлакай Англия қироличаси Виктория, Белгия қироли Леопольд II, Пруссия қироли Вильгелм I, Австрия императори ва Можористон (Венгрия) қироли Франсуа-Жозеф I, Руминия шаҳзодаси Карл I лар билан учрашган Абдулазизхон, ниҳоят Бухоро амирининг мактубини муҳокама қилишни лозим топади. Аммо Туркия ҳукуматининг Махсус мажлиси 1868 йилнинг май ойи бошларида мактубни муҳокама қилишга киришган бир пайтда, Бухоро билан Россия ўртасидаги уруш янада кучайиб, амир Музаффарнинг руслар билан сулҳ тузишдан ўзга чораси қолмаганлиги ҳақида хабар келади.

Энди, шу ўринда Туркистон генерал-губернаторининг 1868 йил 22 апрелда Самарқанд шаҳри аҳолисига қилган «Мурожаатнома»сини келтириб ўтиш лозим. Унда жумладан, шундай дейилади:

«Самарқанд шаҳрининг фуқаролари! Мана, мен 6 ойдан буён ҳукмдоримнинг рухсатига биноан, сизларга тинчлик ва осойишталик бахш этишга ғамхўрлик қилмоқдаман. Оқподшоҳ урушишни истамайди. Лекин Амир менинг яхши ниятларимни тушунмайди ёки тушунишни хоҳламайди. У фойдали тинчлик сулҳини тузиш ўрнига, қўшини ва халқини Россия билан урушишга тайёрламоқда. Мен уруш орқасида халқнинг қони тўкилишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўраман. Мен зиёни тегмаётган халққа эмас, амирга қарши бораётирман. Чунки Оқподшоҳ одамларга ёмонлик эмас, яхшилик истайди. Агар сизлар тавсия этилган битимнинг қабул қилинишига мени ишонтирсангиз, қон тўкилмайди ва қўшин қайтариб олиб кетилади. Оқподшоҳнинг мақсади — тинчликни сақлаш ва уруш қилмасликдан иборатдир. Фурсатни қўлдан берманглар».

Жавобини кутмасдан Кауфман бошчилигидаги Туркистон ҳарбий округи қўшинлари Самарқанд билан Жиззах ўртасидаги Янгиқўрғон томон йўл олади. Душман ҳақидаги хабарни олган Самарқанд беги Бобохожа амирга ахборот юборади: «Тақсир, мен олган маълумотларга кўра, рус аскарлари Янгиқўрғонда туришибди. Яқин кунларда Самарқандга юришса керак. Бунга қарши қандай чора кўришни буюрасиз? Сизнинг кўрсатмангизга биноан ўғлингиз бошчилигидаги қўшин Чўпонота тепалигига ўрнаштирилди. Аҳолининг бир қанча қисми қуроллантирилиб, аскарларга қўшиб қўйилди. Фуқароларингиз Сизнинг келишингизни эрта тонгда қуёш чиқишини пойлагандек кутмоқдалар. Сизнинг ташриф буюришингиз жасоратли қўшинингизни руҳлантириши мумкин». Аммо амир Музаффар журъатсизлик қилиб, Самарқандга фақат бир мирза Шамсиддинхўжани юборади. Бу вақтда Самарқанд атрофида минглаб юрт фидокорлари босқинчиларга қарши шайланиб турган эди. Уларнинг

(4)

сафида русларга қарши узоқ йиллар давомида жанг қилиб, бой ҳарбий тажриба тўплаган Султон Содиқ Кенесарин 2 мингдан зиёд қозоқ ватанпарварлари билан алоҳида зарбдор куч сифатида ажралиб турарди.

Амир Музаффар тасарруфида бўлган Самарқанд шаҳрида бу пайтда Шерали иноқ ҳоким эди. Абдумалик Тўра ҳам, эҳтиёти шарт, унинг ёнида ўз лашкари билан турарди. Муаррих Абдулазим Сомийнинг ачиниш билан ёзишича, Шерали иноқ зулмидан Самарқанд аҳли додга келган, улар амир Музаффарга мактуб йўллаб, шундай шартни қўйганлар: «Тобакай, бизни Шерали иноқ зулмидан қутқариб, янги бир ҳоким қўйсалар, шунда барчамиз — аёллар, эркаклар, катта-ю кичик то охирги кишимиз қолгунча кофирларга қарши тургаймиз, зероки, Бухоро лашкари пароканда бўлиб, кофирлар билан жанг қилмоққа бирон-бир саъй-ҳаракат қилмайдурлар».

Таассуфки, амир Музаффар Шерали иноқ қаҳридан озурда-безор бўлган шаҳар халқи талабини инобатга олмайди, аксинча, унга қаттиқ ишонч боғлайди. Оқибатда, янада ҳаволанган Шерали иноқ амирга мурожаат қилганлардан аёвсиз ўч олди. Бу ҳам кифоя қилмай, Абдумалик Тўрага ҳам шубҳа туғдиради. Гўё ёш Тўра тахтни эгаллаш илинжида исён қилмоқчи, деган туҳмат билан уни Ғузорга юборишга эришади. Абдумалик Тўранинг Самарқандда туриши унинг эркин ҳаракат қилишига бир даражада бўлса-да, монеълик қиларди.

Шерали иноқ воқеасининг тескари йўналиш олиши Самарқанд аҳолисига қаттиқ таъсир қилади. Аччиқ устида шаҳар оқсоқоллари рус губернаторига мактуб йўллаб, ўз паноҳига олишни сўрайдилар. Бу эса Кауфманга қўл келади.

Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори (1867—1881), генерал-адъютант К. П. фон Кауфман ўзининг босқинчилик урушини оқлаш мақсадида Туркистон ҳарбий округи қўшинларига қуйидаги мазмунда мурожаатнома йўллади:

«Кейинги вақтларда Самарқандда Россияга қарши Бухоро қўшин тўплаётганлиги ҳақида аниқ маълумотлар олинмоқда. Самарқандда русларга қарши урушни тарғиб қилаётган ва гўё дин учун курашаётган мутаассиблар ёғилиб келиб, Сирдарё вилоятининг ўтроқ аҳолисини ғалаёнга даъват этмоқдалар. Мен ярим йил мобайнида музокаралар воситасида тинчликка эришиш учун бор кучимни сарфладим. Бухороликларнинг сулҳ шартномасини узил-кесил қабул қилишни атайин чўзишга қаратилган найрангларини сезмасликка интилиб, Россия билан Бухоро ўртасидаги тинчлик сулҳини тузиш зарурлигига амирни ишонтиришга кўп уриндим. Мен амир бир неча бор рус қўшинлари билан тўқнашишдан ўзига сабоқ олади, деб ўйлаган эдим. Аммо амир қурол кучи билан ўзининг Ўрта Осиёдаги мавқеини тиклашга ҳаракат қилмоқда. Агар Бухоро қўшинларининг тўпланиши Россияга қарши қара-

(5)

тилган бўлса ҳамда бизнинг чегараларимизда қурол кучисиз тинчликни таъминлашнинг иложи бўлмаса, у вақтда қўлда қилич билан тинчликка эришиш зарурияти туғилади».

Воқеаларга шоҳид кишилар ва маҳаллий тарихчиларнинг маълумотларига кўра, рус қўшинлари Янгиқўрғонни эгаллагач, истило тиғини қадимий шаҳар Самарқандга қаратди.

ХИЁНАТ

Чўпонота тепалигида мудофаада турган Бухоро қўшини 12000 пиёда аскар, 3000 отлиқ, 1500 тўпчидан иборат бўлган. Уларнинг ярмидан кўпини кўнгиллилар ташкил этган. Пиёда аскарларнинг бир қисми тепаликнинг тагида, қолган кўпроқ қисми эса тепалик устида жойлаштирилган. Пиёда аскарларнинг ўрта ва орқа томонини эса отлиқ сарбозлар эгаллаган. Тепаликнинг оралиқ қисмига 20, бошқа жойларига яна 20 тўп қўйилган эди.

1868 йил 1 май куни Бухоро амири қўшинлари билан рус аскарлари ўртасида Чўпонота тепалигида Самарқанд учун ҳал қилувчи жанг бўлади. Минглаб юрт фидойиларининг қони тўкилган бу тепаликда истилочилар кейинчалик зафар белгиси сифатида тўрт қуббали баланд ёдгорлик минорасини ўрнатишади ва ўша жангда иштирок этган Туркистон йўналиши (линияси) батальонлари, роталари, Оренбург казак полки бўлинмалари ва уларнинг зобитларининг номларини битишади (Бу ёдгорлик ҳозирда ҳам Чўпонота тепалигида қузғундек ҳаволаниб, қора кўланка солиб турибди).

Чўпонотада «ҳимоячилар қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Кўп жангларни кўрган кишилар бундай мардонавор курашни ҳеч қачон учратмаганликларини айтганлар. Ҳужум қилинаётган тепаликнинг олди тарафи қизил кийимли сарбозларнинг мурдалари билан қопланган эди». Ҳарбий ахборотларда Чўпонота тепалигидаги жангдан сўнг, 2 майда Самарқанд рус қўшинлари томонидан жангсиз эгалланганлиги қайд этилади. Аммо, унинг чинакам тафсилотлари тилга олинмайди. Русларнинг Самарқандни эгаллашида ёрдам берган хоинлар ҳақида маҳаллий муаррихлар гувоҳлиги эътиборга лойиқдир. Бунга кўра 1868 йил 2 майда Самарқанд сотқинларидан бир гуруҳи фон Кауфман ҳузурига келишади. Уларни мамнуният билан қабул қилган К. П. Кауфман шаҳар дарвозасида рус одатига кўра туз ва нон билан кутиб олишни рус солдатларига буюрди. Шундан кейин Кауфман бошчилигидаги рус қўшини қози калон, катта оқсоқол ва бошқа амалдорлар кузатувида шаҳарга киради.

Генерал-губернатор ғалаба муносабати билан Петербургга ахборот юборади: «Сиз император олий ҳазратларини Ўрта Осиёнинг қадимий ва машҳур шаҳри, ўзининг шон-шуҳрати билан ғурурланаётган мусулмонларнинг маркази Самарқанднинг эгалланиши билан табриклайман».

(Давоми келгуси сонда)

(6)

Ҳамдам СОДИҚОВ.

МЕН КАСБИМНИ ЭЪЗОЗЛАДИМ — КАСБИМ МЕНИ УЛУҒЛАДИ

ЗУККО ОЛИМ, ТЎҒРИСЎЗ ИНСОН



Кейинги 15-20 йил ичида республикамизнинг етакчи театршунос олимлари М.Раҳмонов, М.Қодиров, Т.Турсуновлар қаноти остида театр санъати ва драматургия жанрининг турли йўналишларида ишлаётган театршуносларнинг янги авлоди- М.Тулахўжаева, Э.Мухторов, Т.Йўлдошев сингари иқтидорли олимлар етишиб чиқди. Ана шулар сафида ўттиз йилдан ортиқ вақт ҳам театршунос олим, ҳам педагог сифатида сидқидилдан, ҳалол хизмат қилиб келаётган Тоир Исломовнинг ўз ўрни, мавқеи бор. Мен унинг миллий драматургиямизнинг муҳим, долзарб масалаларини тадқиқ қилишга бағишланган илмий ишларини, бу соҳадаги тинимсиз изланишлари ва саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни истардим. Т.Исломов «Ўзбек тарихий драмалари ва уларнинг саҳналаштирилиши» (1970-1960 йиллар) мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганлиги ана ўша кўпчилик изланишлари самараси бўлди. Тадқиқот объекти сифатида Ҳ.Олимжоннинг «Муқанна», М.Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», «Мирзо Улуғбек», Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаларини олган эди. Олимнинг турли объектив ва субъектив сабабларга кўра изсиз йўқолган ўзбек драма асарларини, хусусан М.Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» драмасини тиклаш йўлидаги машаққатли, хайрли ишлари айниқса таҳсинга сазовордир. Тадқиқотчи бунинг учун ойлаб, йиллаб архив материалларини титкилади, шу асарда роллар ўйнаган артистлар билан суҳбатлашди, спектакл кўринишлари акс этган суратларни йиллар давомида битталаб йиғди, шулар асосида пьесанинг матни мисқоллаб тикланиб, қоғозга туширилди.

Саҳнамиз юлдузи, Жалолиддин образининг бетакрор ижрочиси Шукур Бурҳонов бу гапдан хабар топиб Тоир Исломовни етаклаб домла Шайхзоданинг уйига олиб боради. Домла, унинг рафиқаси Сакина хоним опа суратларни кўздан кечирар эканлар, севинчлари ичларига сиғмай, кўзларида ёш билан спектаклни икир-чикиригача эслашади. Бу сира унутилмас, ҳаяжонли воқеани суҳбатларининг бирида менга раҳматлик Шукур ака тўлқинланиб гапириб берувди.

Тоир Исломов театрнинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси. У спектакл яратилиш жараёнида асарни бир неча бор кўришдан, режиссёр ва актёрларга қўлидан келганча ёрдам беришдан чарчамайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир театр жамоаси уни ҳамиша илиқ ва мамнуният билан қарши олади. Биргина мисол: 1997 йил Амир Темурга бағишланган республика фестивалида энг юқори ўринни олган Гулистон театри спектаклининг (Ҳусайн Жаводнинг «Амир Темур» асари) яратилишида Т.Исломов маслаҳатчи сифатида жуда катта ёрдам берди. Унинг бундай хайрли ишларини кўплаб келтириш мумкин. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси аъзоси Т.Исломов республикамизда театр санъати соҳаси бўйича ўтказилаётган барча кўрик-танловларда ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида ҳам кўп фойдали ишлар қилмоқда. Уни миллионлаб телетомошабинларимиз ҳам яхши таниб қолишган. Чунки Т.Исломов 1975 йилдан буён телевидениеда театр ижоди, артистлар маҳорати, маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган айрим спектакллар, драматургиямизнинг долзарб муаммоларига бағишланган кўрсатувларга муаллифлик қилади ва уларни мунтазам олиб боради. Бундай кўрсатувлар халқимиз маънавияти ва маданиятини кўтаришда, эстетик дидини тарбиялашда, шубҳасиз, муайян ижобий роль ўйнамоқда.

Т.Исломов илмий иш, педагогик фаолият билан чекланиб қолмай, ўз кучини бадиий таржима, оригинал асарлар яратишда ҳам синаб кўрмоқда ва самараси чакки бўлмаяпти. Татар драмтургия Юнус Эминовнинг «Исқирт сатанг», қирғиз драматурги Г.Абдумўминовнинг «Аширбой», турк сатирик ёзувчиси А.Несиннинг «Жонгинам, жонимни ол» асарлари унинг таржимасида ўзбекча жаранглади, улар асосида яратилган спектакллар эса Тошкент, Самарқанд, Хоразм театрлари саҳналарида ўйналиб, томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. «Қишлоқда бир неча кун», «Биз қайтамиз», «Улуғ йўл бошида» номли бир пардали оригинал пьесалари республикамизнинг кўпгина халқ театрларида қўйилди ва тўпламларда нашр этилди.

Т.Исломовнинг ҳам олим, ҳам инсон сифатида яхши фазилати - унинг тўғрисўзлиги, кўнгли очиқлиги, дилидагини очиқ-ошкора айта билишидир. М.Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» асари, Фитрат ижоди ҳақида кўпчилик илм аҳли «юқоридагилар» нима деркин, деб чўчиб, ҳадиксираб жим юрганларида Т.Исломов журъат қилиб бу масалани ўз илмий ишида дадил кўтариб чиққанлиги фикримизнинг ёрқин исботидир.

Инсон умри яшаган йиллари билан эмас, балки қилган хайрли, эзгу ишлари билан ўлчанади, дейишади. Шу маънода Тоиржон жуда бахтли: ўз соҳасида кўз-кўз қилса, мақтаса арзигулик иш қилиб қўйди. Лекин унинг ниятлари катта, орзулари кўп. Бу орзу, ниятларини рўёбга чиқаришда унга энг аввало соғлиқ, куч-қувват тилаймиз, санъатимиз равнақи йўлида қиладиган хайрли ишларида, М.Уйғур номидаги Санъат институтидаги педагоглик фаолиятида Тоиржон Исломовга унинг ўзи эъзозлаб, ардоқлаб келаётган буюк бобокалонларимиз руҳи ҳамиша мададкор бўлсин, деймиз. Зеро, бобокалонларимиз ҳам зукко фозилу фузалоларни, ҳақгўй, тўғрисўз инсонларни хуш кўришган.

Ҳусан РУЗИМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Бугуннинг гапи

ҲАММОМ РОҲАТИЖОН ЭМАСМИ?

Юртбошимиз Сирдарё вилоятида бўлганларида воҳада маиший хизмат соҳаси оқсаётганлигини қаттиқ танқид остига олинди. Ўтган давр ичида мирзачулликлар турмушида жиддий бурилишлар ясалди десак муболаға бўлмас. Қатор қишлоқларда гузарлар барпо этилди. Янги бозорлар қурилди. Кўплаб маданий-маиший иншоотлар қад ростлади. Қўриқнинг чинакамига яшарганлиги, чирой очганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бунёдкорлик ишларининг кўлами кенг, шитоби баланд. Ҳашамдор иморатларга ҳавасла боққанда, барпо этилган мўжизакор бозорлар тароватига термулганда кўнгилнинг бир чеккасидаги дард қўзғагандек бўлади. Нимадир эсдан чиқмаётганмикан. Халқ эҳтиёжи учун яна нималар қурилса маъқул бўларди? Баъзан «Э, қуй-э, дея қўл силтаб кетасан-у, яна гужғон ўйлар тинчлик бермайди. Кўпчилик билан бу борада бахслашдик. Кўпчилик фикрини ўргандик. Бу ҳақда ёзмасак бўлмас экан.

Ривоят қилишларича бир подшоҳнинг фарзанди оғир дардга гирифтор бўлган экан. Унга на табиб дориси, на бошқа муолажалар кор қилмабди. Шунда подшоҳ кимда-ким фарзандимни тузатса катта мартаба ва бойлик беришини ваъда қилиб юртга жар солдирибди. Бир донишманд бемор аҳволини кўриб уни даволашга рози бўлибди ва бир уйни роса қиздириб беморни унинг ичига киритибди. Иссиқ тафтидан бемор азойи баданни терлаб дарддан фориғ бўлган экан. Қиссадан ҳисса шулки қаламга олмоқчи бўлган мавзу ҳаммом ҳақида.

Қадим Шарқда ҳаммом аҳамияти ҳақида кўплаб ибратли ақидалар мавжуд. Оромижон, танадаги ғуборларни ҳайдашда ҳаммомнинг хислати беқиёс. Айниқса у суви шўр, ери захкаш, иқлими оғир Мирзачўлда бўлса янаям қадрлироқ. Бугунги кунда вилоятда ҳаммомлар масаласига эътибор қандай? Саломатликнинг бебаҳо таянчи бўлган бу гўшалар эшигига қулф урилмаганми? Минг бора эшитгандан бир бора кўрган афзал. Гулистон шаҳар деҳқон бозорининг шундоқ биқинида ҳаммом бор. Бу шаҳардаги ана шундай ном билан аталувчи икки иншоотнинг бири. Ҳайтовур ишлаб турибди. Шунисига ҳам шукур. Аммо бино ҳам, қувурлар ҳам анча эскирган. Бугунги кун талабидан ортда қолмасликка тиришаяпти барака топгур. Шаҳарда истиқомат қилаётган 72 мингдан ошиқ аҳолига икки ҳаммом. Яхшиям чўлқуварлар чўмилишни «хуш кўришмайди». Акс ҳолда иккита ҳаммом эшиклари турнақатор навбатга дош бериши амри маҳол бўларди. Гулистонликлар шунисигаям шукур қилиб юрибди. Иккита бўлсаям бор-ку. Агар бу иккисиям бўлмаса дардингни кимга айтардинг. Мана шаҳарнинг маҳалла қисмида яшовчи аҳоли ҳаммомсиз ҳам бинойидек яшаб юришибди. Тураржой мавзеси, 3-4 мавзедагилар ҳам ҳаммом ҳақида ўйлаб кўргани йўқ-ку. Нима қипти ҳаммом бўлмаса бўлмас. Канал ва ариқлар тўла сув-ку.

Бир пайтлари «Тошкент» ширкатлар уюшмасининг маҳаллага туташ қисмида ҳам бинойидек ҳаммом бор эди. Ҳозир ҳам бор. Аммо у хусусийлаштирилгач, негадир одамлар оёғи тийилиб қолди. Гулистон туманидаги А.Навоий номли жамоа хўжалигида эса бутун бошли ҳаммом йўқ бўлиб кетди. Ҳеч ким ажабланмади. Бутун бошли бино талон тарож қилинганлигини эшитиб ёқа ушлайсан киши. Ёки Мирзаобод туманида яшовчи 42 минг аҳолига битта ишлайдиган ҳаммом тўғри келишини қандай баҳолаш мумкин.

Вилоятдаги хўжаликларнинг аксариятида ҳаммом бор. Бироқ элликдан ошиқ ҳаммомлар эшигига қулф урилган. Сабаби маблағ тақчиллиги газ тўловларининг тўланмаганлигидадир. Энг ачинарлиси баъзи раҳбарлар ҳаммомнинг нафақат озодаликка балки молиявий томондан ҳам зарурлигини ҳис этмаётган кўринади. Ахир у ишлаб турса ҳам одамларга, ҳам хўжаликларга фойда эканлигини унутиб бўладими. Ўрни келганда вилоятда янги ҳаммом бинолари барпо этиш фурсати етганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Кейинги йилларда юзлаб сартарошхона, пойафзал таъмири сингари маиший хизмат турлари очилди. Бироқ битта ҳам ҳаммом қурилмаганлиги ачинарли ҳол албатта. Вилоятда миллиардлаб сўмлар ободончиликка сарфланмоқда. Ана шу дарёда бир томчи бўлса бас. Мўъжизакор ҳаммомлар эл саломатлигини асрашга ҳисса қўшган бўларди. Вилоятдаги мавжуд ҳаммомлар фаолияти устидан чуқур назорат ўрнатилиб, уларни ишлашини мунтазам назорат остига олинса айни муддао бўларди. Ана шундагина аҳоли ўртасида турли хил юқумли хасталиклар кўпаймаган бўларди. Халқимиз бежизга «дарддан фориғ бўлишни истасанг ҳаммомга бор» дейишмайди-ку. Ўйлаймизки бугунги кун эътиборидан четда қолган бу масалага масъул ўртоқлар жиддий ёндошадилар.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

I РЕСПУБЛИКА ЁШЛАР ЎЙИНЛАРИ КУНДАЛИГИ

Шу кунларда I Республика Ёшлар ўйинлари мусобақалари қизғин давом этмоқда. Дастлабки бахсларни баскетболчилар бошлаб беришди. Бухорода бўлиб ўтган беллашувларда Фарғона вилояти терма жамоасидан ташқари 13 жамоа иштирок этди.

Учрашувларнинг биринчи босқичида ўйинлар тўрт гуруҳда ўтказилди. Унда Бухоро, Андижон, Тошкент вилояти ва пойтахт ёшлари барча учрашувларда муваффақиятли иштирок этиб, ғалаба қозонишди. Пойтахтлик баскетболчилар ҳал қилувчи учрашувда ўзларининг асосий рақиблари бўлмиш Бухоро жамоаси устидан 47:42 ҳисобида ғалаба қозонишди. Пойтахт вилояти жамоаси учинчи, андижонликлар эса тўртинчи ўринларни эгаллашди.

Қуйидаги спортчилар I Республика Ёшлар ўйинлари ғолиби бўлдилар: Д.Попов, С.Кучин, Т.Лялин, О.Поваров, В. Югай, В. Ахметов, В.Бурлаков, М.Карчава, Т.Ионов, И.Фалин, мураббий- Р.Ғаниев.

Сўнгра ёшлар ўйинлари стартига чарм қўлқоп усталари чиқишди. Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган бахсларда андижонликлар уч бор шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилган бўлишсада, Самарқанд боксчилари битта биринчи ва бешта иккинчи ўрин билан пешқадамлик қилдилар. Бухороликлар ҳам Андижон чарм қўлқоп усталаридан ўзиб кетишди. Улар ҳисобида иккитадан биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар бор. Тошкент шаҳри спортчилари умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашди. Вазнлар бўйича бухоролик Ж.Ибрагимов (60 кг), А.Аслонов (71), жиззахлик Ж.Сувонқулов (46), навоийлик Б.Файзиев (48), Тошкент вилоятидан Б.Сарсенбоев (51), андижонлик А.Жалолов (54), А.Федяев (63,5), Н.Азимов (91), самарқандлик А.Анфимов (57), фарғоналик Ш.Хусанов (67), пойтахтлик Қ.Ҳасанов (75), М.Соипов (81) ва қашқадарёлик Ж.Очилов (91+) лар I Республика Ёшлар ўйинлари ғолиби бўлишди.

***

Пойтахтимиздаги 110- мактабда яна бир спорт тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Етти вилоят ва Тошкент шаҳри бадминтончилари ғолиблик учун мусобақалашдилар. Финал учрашувларига йўлланма учун бўлган бахслар қизиқарли спорт курашларига бой бўлди.

Якка бахсларда пойтахтлик Мария Стружанова ва Артур Фотиховлар ғолиб бўлишди. Жуфтлик бахсларида эса тошкентлик Е.Шереметов - А.Фотихов, самарқандлик Шерзод Акобиров - Мақсуд Ориповлар юқори ўринларни банд этишди.

Умумжамоа ҳисобида ўринлар қуйидагича тақсимланди: Тошкент, Самарқанд, Андижон, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах вилояти.

Учта спорт тури бўйича беллашувлардан сўнг Тошкент шаҳри 62 очко жамғариб карвонбошилик қилмоқда. Иккинчи ўрин эгаси Самарқанд жамоаси ҳисобида 54 очко бор. Бухороликларда эса 48 очко.

КАМОЛИДДИН ПАНАХОВ ЖАҲОН РЕКОРДЧИСИ

Канаданинг Оттава шаҳрида оғир атлетика бўйича фахрийлар ўртасида Жаҳон чемпионати якунланди. Унда дунёнинг 11 мамлакати қаторида Ўзбекистондан ҳам 6 спортчи аъло даражада иштирок этди. 105 кг вазндаги паҳлавонлар икки курашида тошкентлик Камолиддин Панахов 292,5 килограмм натижа кўрсатиб, Жаҳон рекордини янгилади. У силтаб кўтаришда 165 ва даст кўтаришда 127,5 кг кўрсаткичга эришди. Аёллар ўртасида эса пойтахтлик Рауза Камолова (56 кг) Жаҳон чемпиони бўлди. Панаховдан кейинги кумуш медал зарафшонлик Лаврентий Матиянга (105 кг) насиб этди. Ушбу вазн тоифасидаги Валерий Мураткин даст кўтаришда кумуш медал соҳиби бўлди. Александр Клименко эса (95 кг) икки кураш натижасига кўра бронза медали билан тақдирланди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҒОЛИБ

Анъанага кўра бокс усталари Ахмед Комет хотирасига бағишланган 13- халқаро турнирда иштирок этиш учун Туркиянинг Истамбул шаҳрига йиғилдилар. Боксчиларимиз АҚШ, Куба, Россия, Италия, Венрия, Голландия, Руминия, Испания, Польша, Миср, Қозоғистон каби давлат вакиллари иштирокидаги мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Юртдошларимиз энг кўп - 5 та олтин ва 2 та бронза медали жамғарган ҳолда олтин медаллар сонига кўра Куба (4 та) ва мезбонларни (3 та) ортда қолдиришди.

Хоразмлик Алишер Раҳимов (51 кг), андижонлик Тўлқин Турғунов (57) , Уткир Ҳайдаров (71), Сергей Михайлов (81), жиззахлик Лазиз Зокиров (+91) олтин, андижонлик Темур Тулаков (54) ҳамда наманганлик Темур Сулаймонов (60) бронза медали билан тақдирланишди.

Наргиза ЮСУПОВА.

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Кўчмас мулк биржаси ҳозирги вақтда Республика кўчмас мулк бозори иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилот бўлиб, фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ташкилот нашр эттирган «Ахборотнома»да РКМБ фаолият кўрсатаётган вақт ичида унинг асосий йўналишларида рўй берган ўзгаришлар, РКМБ ва унинг бўлимларининг 1997 йилдаги фаолияти якунлари кўрсатиб берилган.

РКМБ ва унинг бўлимлари фаолияти даврида 38 мингта кўчмас мулк иншоотлари ва бошқа турдаги мулклар жами 4 миллиард сўмга сотилган. Агар 1994 йилда, РКМБ ташкил этилиш палласида давлат мулки иншоотларини республиканинг барча вилоятларида очиқ савдо орқали сотиш хусусийлаштиришнинг мамлакатимиз учун янги шакли бўлиб, уни ўзлаштириб олиш РКМБ фаолиятида устивор йўналиш бўлган бўлса, кейинги 1995 йилда ҳукумат қарорларига мувофиқ савдо иншоотлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, тугалланмаган қурилиш иншоотларидан ташқари ким ошди савдоси орқали автомототранспорт воситалари, умрбод эгалик қилинадиган ва мерос қолдириладиган ер майдонлари, ёқилғи қуйиш шахобчалари ҳам сотувга қўйила бошланди. Ўтган йили ер майдонларига, автотранспорт воситаларига, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иншоотларга талаб юқори даражада бўлди.

РКМБ ва унинг бўлимлари савдосининг умумий ҳажмида нодавлат мулк шаклидаги иншоотлар улушининг тўхтовсиз ортиб бориши яққол сезилмоқда.

Чорвачилик мажмуалари, мевазорлар, фойдаланилмай ётган асбоб-ускуналар, уй-жойлар ва бошқалар каби кўчмас мулк турлари тобора кўпроқ савдога қўйилмоқда. 1997 йилда сотилган йирик иншоотларнинг кўп қисмини нодавлат мулк иншоотлари ташкил этди. Давлат иншоотлари бўйича тузилган битимлардан ўртача нарх 68.5 минг сўм бўлса, нодавлат мулк шаклидаги иншоотлар бўйича тузилган битимларда ўртача нарх 333.1 минг сўмни ташкил этди. Яъни иккиламчи кўчмас мулк бозорини жадал суръатларда шакллантириш жараёни содир бўлмоқда.

Ўтказилган ким ошди ва биржа савдоларида сотилган йирик иншоотларнинг асосий қисми биржа савдолари орқали сотилган. Ким ошди савдосида сотилган иншоотнинг ўртача нархи 68.4 минг сўмни, биржа савдосида сотилган иншоотнинг ўртача нархи 486.5 минг сўмни ташкил этди. Демак, РКМБ қошида ташкил этилган брокерлик идоралари ўзларининг асосий вазифаси-харидорлар топишни уддалаяптилар. Шунинг учун ҳам РКМБ брокерлик идораларини кўпайтиришга ва ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратиши лозим. Уларни ҳисобга олиб, 1997 йилда РКМБ тизимида брокерлик идораларининг сони 205 тадан 281 тага кўпайтирилди. Шу соҳада ишлаётган брокерлар сони 398 тага етди. Бу жараёнда ютуқлар мавжуд бўлса-да, бугунги кунда (иккиламчи) маданий бозорни ривожлантириш жараёни бир қатор тўсиқлар ва тушунмовчиликларга дучор бўлмоқда. Кўчмас мулк бозорида қонунбузарликка йўл қўймаслик, бозор муносабатларининг қонун асосида бўлиши учун кўчмас мулкни сотиш ишлари билан шуғулланишга давлат лицензиясини жорий қилиш керак, деб таклиф киритамиз. Яна иккиламчи кўчмас мулк бозорида РКМБ ўрнини мустаҳкамлаш учун Кўчмас мулк Биржасига у ерда тузилаётган битимларни тасдиқлаш ҳуқуқи берилиши зарур.

Маданий кўчмас мулк бозорини ўрнатиш учун унга хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бугунги кунда республикамизда мустақил баҳоловчилар тизими ва унинг фаолияти меъёрий-ҳуқуқий базаси йўқ ҳисобда. Кўчмас мулк бозори фаолиятини таъминлайдиган ўқув масканлари очиш ва мутахассисларни тайёрлаш керак.

РКМБ фаолиятини авж олдириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, реклама қилиш, оммавий ахборот воситалари билан алоқа боғлаш ишларини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шунингдек, кўчмас мулк бозори меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. 1997 йилнинг бошларида хорижий инвестицияларни жалб этиш, реклама ишларини олиб бориш, РКМБ фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ва кадрлар тайёрлашга оид «мақсадли Дастур» тасдиқланди. Шунга мувофиқ РКМБ раҳбарияти 1997 йилда қатор амалий машғулот-семинарларда иштирок этди. Масалан - Карочи, Истамбул, Урганч ва Фарғона шаҳарларида бўлиб ўтган семинарлар шулар жумласидандир.

Хорижий инвесторларга йил давомида ҳаммаси бўлиб 31 та иншоот жами 429289.7 минг сўмга сотилди. 1997 йилда РКМБ тизимида 1313 та савдо, шу жумладан 774 та ким ошди савдоси ва танловлар, 539 та биржа савдолари ўтказилди. Шу жараёнда 12985 та иншоот 1866447,6 минг сўмга сотилди. Сотилган иншоотларнинг сони бўйича йиллик топшириқ 192 фоизга, тушган пул бўйича 139 фоизга бажарилди. Шу жумладан якка тартибда уй-жой қуриш учун жами 6456 та ер майдони, 2648 та автотранспорт воситаси, 38 та «Ўзгўштсутсаноат» иншооти, 11067 та қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» иншооти, 296 та савдо ва хизмат кўрсатиш иншооти, 550 та қурилиши тугалланмаган иншоотлар, 86 та зарар кўриб ишлайдиган корхоналар, 78 та кичик ва ўрта корхоналар сотилган. Шуни таъкидлаш лозимки, республика миқёсида иншоотларнинг ҳамма турлари бўйича йиллик режа бажарилди. Бир йил ичида банкрот корхоналарнинг жами 30703,9 минг сўмлик мулки ва халқ банкининг 32 та иншоот бинолари 10846,7 минг сўмга сотилди.

1997 йил якунлари бўйича бўлиб ўтган мажлисда қўлга киритилган ютуқлар йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўла таҳлил этилди ҳамда 1998 йил учун режалар тузиб олинди.

1998 йил Оила йили деб эълон қилинган экан, бу бизларга ҳам катта масъулият юклайди. Биз республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали бўлишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Т.МОМБАЕВ,
Республика Кўчмас мулк биржаси жамлама ва таҳлил бошқармаси бошлиғи,
Ш.ШОБИЛОЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўтган ҳафтанинг охирида Тожикистон миллий яраш комиссиясининг раҳбари Саид Абдулло Нурий ҳукумат томони билан келишувга мувофиқ мухолифат лидерларидан Хожиакбар Тўражонзодани Ватанига қайтишига кўндириш учун Эронга келган эди. Иккала шахс ўртасида бир неча марта ўтказилган мулоқотдан кейин ниҳоят Тўражонзода Тожикистонга қайтишга рози бўлган. Бироқ мана бир неча кундан бери у Ватанига қайта олмаяпти. Душанбедагилар Тўражонзода келадиган «Боинг-727» самолёти қўнишни учун жой йўқлигини айтишган. Бу масалага ўз муносабатини билдириб Саид Нурий: «Бундай вазият алоқани ёмонлашувига олиб келиши мумкин», деган.

***

Қозоғистон ташқи ишлар вазирлиги тарқатган хабарга қараганда, у ерда эронлик уч киши давлатга қарши жиноий иш қилаётганлигида қўлга олинган. Масъул ходим О.Гордиевскийнинг таъкидлашича, республикада бошқа мамлакатлардан келган жосуслар тобора кўпаймоқда. Чунки, Қозоғистон ракета ва ядро полигонига, космодромга эга. Бундан ташқари, бир қанча ҳарбий аҳамиятга эга объектлари уларни қизиқтириши табиий.

***

Қозоғистон ҳукумати Каспий денгиздаги нефть ва газ заҳиралари тўғрисидаги кўпдан бери мунозарага сабаб бўлган масалалар бу йил ҳал қилиниши ва бу нарса Москвада бўладиган йиғинда имзоланиши мумкинлигига умид билдирган.

***

Бишкекка амалий визит билан ташриф буюрган Эрон транспорт вазири Насрулло Камеб қирғизистонлик ҳамкасби Розиқулов билан учрашувда иккала давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, уни ривожлантириб бориш зарурлигини айтган.

***

Қирғизистон ҳукумати мамлакатда қашшоқликни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорнинг қабул қилинишига кейинги пайтда аҳолининг турмуш даражасининг пасайганлиги сабаб бўлган. Қарорда кўрсатилишича, 1998-2005 йилларда амалга ошириладиган тадбирлар, чунончи, қўшимча иш ўринларини яратиш, маошларни ошириб бориш ва ҳоказо. 7-8 йил ичида аҳолининг кўпчилик қисми турмуш даражасини жаҳон стандартлари даражасига етказиши мумкин.

МЕРОС ҲУНАР

Амударё бўйидаги Патта-Кесар қишлоғи қадимдан ўз усталари билан машҳур қишлоқлардан бири. Мана шу ердан ажойиб кумуш, мис, ёғоч ва сополдан ясалган маҳсулотлар бутун дунёга тарқалган. Буюк Ипак йўли карвонлари ўтган.

Қадимги санъат ҳунармандчилиги авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Халқимизда: яхши мерос - пул эмас, ҳунар,- деб бекорга айтишмаган. Агар ўз ҳунарингни яхши эгаллаган бўлсанг, уй-жойинг ҳам яхши бўлади, оилангда хотиржамлик ва яқинларингнинг ҳурматида бўласан.

Темирчи уста - Абдураҳмон Турдиев ва унинг оиласини Сурхондарёда ҳамма яхши билади. У Термиз районидаги Дўстлик колхозида 50 йилдан буён усталик қилмоқда. Ҳозир Абдураҳмон бобо 72 ёшга тўлган бўлса ҳам, ўзининг севган ҳунарини ҳали ҳам давом эттирмоқда. Ҳар куни унга маслаҳат ва ёрдам сўраб мурожаат этишади.

Ҳурмат билан: - «Ҳорманг усто,» деб мурожаат қилишади. Турдиев - ўз ҳунарининг устаси. У ҳар хил қишлоқ хўжалиги асбобларини тузатади. Лопата, кетмон, арава, ўроқ ва бошқа шунга ўхшаш буюмларни ясайди. Унинг мис кўзаси, ҳар хил пичоқлари ҳақиқий санъат дурдонасидир. Дурадгорликни ҳам яхши билади.

Абдураҳмон бобонинг катта ва иноқ оиласи: уч ўғли, тўрт қизи ва 20 нафар набираси бор. Ҳаммалари йиғилишганда уй шовқин ва хурсандчиликка тўлади. Темирчи ўғиллари, набиралари ва шогирдлари касбини давом эттираётганларидан жуда хурсанд.

Одамлар унинг ҳунари учунгина эмас, балки унинг сахийлиги учун ҳам унга талпинишади. Уни бахши сифатида ҳам яхши билишади. Ўз қўли билан ясаган мусиқа асбобларида оқсоқол ажойиб халқ куйларини ижро этади. Ҳеч қайси оилавий байрам унинг достонларисиз ўтмайди.

Кўпгина Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистоннинг фольклор ансамбллари ва бахшилари Абдураҳмон Турдиев дуторларидан фойдаланишади.

Суратларда: уста иш устида. Қишлоқдошлари Турдиевнинг севимли куйларини эшитгани келишди.

Искандар ХЎЖАЕВ олган суратлар.

Энг ибратли келинчак

ДИЛФУЗА ПОЙТАХТГА БОРАДИ

Халқимизнинг қадимий урф-одатларини, удум ва анъаналарини тиклаш, уларга қайта кўрк бағишлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири саналади. Бу борада Бухоро вилоятида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Экосан»,»Маҳалла» ва «Камолот» ёшлар жамғармалари ҳамкорликда вилоят туманлари ва шаҳар марказида ўтказилган «энг ибратли келинчак» кўрик танлови ҳам ана шундай хайрли ва олижаноб тадбирлардан бири бўлди.

Дилфуза Қаҳҳорова дастлаб Жондор туманида ўтказилган баҳс-мунозараларда қатнашиб, голибликни қўлга киритган эди. Унга шаҳардаги сўнгги босқич мунозараларида ҳам омад, бахтиқбол кулиб боқди. Тўқимачилик саройида ўтказилган тадбирда Дилфуза ўзининг бор маҳоратини кўрсата олди. Айниқса ёш келинчакнинг саранжомсаришталиги, атрофдагиларга муносабати, бола тарбияси унинг саломатлиги ҳақида қайғуриши билан боғлиқ ҳолатларда ўзини қай тартибда тута олиши ва шунга ўхшаш кўпгина ҳаётий ҳолатлардаги ижодий маҳоратига ҳакамлар ҳайъати энг юқори бал қўйишди.

Шу тариқа «Оила йили»га бағишланиб вилоят миқёсида ўтказилган танловда жондорлик Дилфуза Қаҳҳорова (касби педагог) ғолиб деб топилди. Ибратли келинчакка кўплаб совға-саломлар топширилди.

У шунингдек, Тошкентга бориш бахтига ҳам муяссар бўлганини уқиб олди.

Қадамларинг қутлуғ келсин, иболи келинчак.

Усмон НАВРЎЗ,
Бухоро вилояти.

ТУЗ - МУҚАДДАС

Географик харитага назар солсангиз, ер куррасининг турли қитъаларида туз билан боғлиқ бўлган номларни учратасиз. Буларни туздай шарофатли неъматнинг номини абадийлаштириш учун одамзод томонидан барпо этилган ёдгорликлар деб аташ мумкин.

Ҳиндистондаги Леванапутра шаҳрининг номини ўзбекчасига ағдарсак, «Туз шаҳри» дегани бўлади. Германия ва Австрияда: Зальцведель, Зальцуген шаҳарлари ҳам туз номидадир. Чунки, немисчасига «Зальц»- туз дегани.

Франциядаги энг катта шаҳарларидан бири - Марселни олинг. Луғавий маъноси - «денгиз тузи» демакдир. Америкадаги Салтвилл шаҳри ҳам «туз саройи» деган маънони англатади.

Ўрта Осиёдаги Тузкон, Шўртепа, Наманган (аслида «Намаккон») ва бошқа географик номларнинг маъноси ўз-ўзидан маълум.

***

Словян халқларида азиз меҳмон ва иш кўрсатган қаҳрамонларга «нон-туз» билан пешвоз чиқиш одати ҳам тузнинг нон билан бирга муқаддаслаштиришдан келиб чиққан. Арманлар янги туғилган чақалоқни номакобда чўмилтиришади. Бу ҳам киши ҳаётида тузнинг муқаддас эканлигига ишора сифатида қадимда урф бўлган.

***

Атлантика ва Тинч океан оролларида яшовчи қабилалар ўзларини «Инсужинсдан қутқариш учун» ёки бирор нарсадан қўрқиб кетишса, «мен туз еяпман, мен туз еяпман» деб калима келтиришар экан.

***

Ўзбекларда туз билан боғлиқ бўлган «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом қил» каби матал, тузини оқламоқ сингари тушунча, «берган тузимга рози эмасман» каби ранжишлар борки, булар ҳам тузни муқаддас деб билишдан келиб чиққан.

С.ОДИЛОВА тайёрлади.

«Фил суриб, от ўйнатиб»

ШАХМАТ ВА ТАБОБАТ

1986 йил 14 майда таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланган В.Стейницнинг шахматчилик биографиясидан қисқача маълумотлар келтирамиз.

У Венада ўқиб юрган чоғларида «Ҳой, бу боланинг бир балоси бор»,-дейишарди кўпни кўрган шахматчилар. Бизда Венанинг олий шахматчилар жамияти уни тан олиб, 1862 йилда Стейницни II Лондон халқаро турнирга жўнатди.

Стейницнинг дебюти муваффақиятли бўлди, маррага олтинчи бўлиб етиб келди. Бироқ, у натижадан қаноат ҳосил қилмади, унга «Жаҳонгашта валломат»лик қисматини бошидан кечиришга тўғри келди, аммо ҳеч қачон у ўз қилмишидан нолимади.

Истеъдод билан бирга мустаҳкам характер, жасурлик, тиришқоқлик, ирода кучига эга бўлган буюк шахматчи Стейницнинг деярли 40 йиллик шуҳрат йўли бошланди.

Биринчи жаҳон чемпиони ҳаётида кўплаб турниру матчларда эришилган чўққилар мавжуд, мана баъзилари:

Стейниц шахмат ўйинида тасодифларга боғлиқ бўлмаган мантиқий қонунлар мавжуд, ўз хатти-ҳаракатларини позициянинг конкрет хусусиятлари билан мослаштирибгина шахматни тўғри ўйнаш мумкин, ҳар бир позиция учун муайян белгилар хос, ҳар қайси донанинг ўз қиймати бўлганидек, уларнинг биргаликдаги ҳаракатининг ҳам қиммати бир, деган хулосага келди.

Стейницни жаҳоннинг энг кучли шахматчиси деб атадилар. Бироқ, бундай унвон расмий равишда таъсис этилмагунча унча талабгорлик қилиб бўладими?

Баъзилар Цукертортни зўрроқ деб ҳисоблардилар. Унинг 1883 йилги Лондон турниридаги муваффақияти айниқса ишонарли бўлиб, унда - 1 ўринни олиш билан бирга маррага иккинчи бўлиб етиб келган Стейницдан 3 очко ўзиб кетди.

Стейниц фақат рақибини яккама-якка баҳсда енгибгина ўз обрў-эътиборини тиклай олишини тушунарди. Шундай қилиб, у Цукертортни матчга чақирди. Мунозаралар уч йилга чўзилди. 1886 йилнинг 11 январида расмий жаҳон биринчиликлари даврини очган тарихий баҳс бошланди. Икки ойча давом этган бу матчда 10 учрашувни ютиб, бештасини бой берган ва шунчасини дуранг қилган В.Стейниц тимсолида жаҳон шахмат аҳли ўзининг илк расмий чемпионига эга бўлган эди.

1866 йил. Жаҳон чемпионлиги учун ўтган норасмий матчлар сирасига қўшса арзийдиган вақтда Стейниц 8:6 ҳисобида устун чиқди.

1872 йил. Лондондаги халқаро турнирда биринчи совринни олди. Ўша йилнинг ўзида янги чиққан шахмат юлдузи И.Цукертортни матчда енгди.

Бу йилларнинг ҳаммасида комбинация Стейницнинг асосий қуроли бўлди. Лекин комбинациялар шоҳи ҳисоблашган Андерсен билан бўлган матчдан кейин у бу ҳақда жиддий ўйлаб қолди. Кейинчалик

Чемпионлик унвонида у яна кўплаб ғалабаларга эришди. 58 ёшида шахмат тожини 25 яшар рақиби Эмануэл Ласкерга топширишга мажбур бўлди. Оғир касаллик оқибатида у 1890 йил 12 августда вафот этди.

М.Муҳиддинов.

Оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.

Наврўз тараддудида

Жондор тумани маданият бўлими ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Нилуфар» болалар студияси эндигина қад ростлаётган ҳаваскорлик дасталаридан бири ҳисобланади. Ўтган қисқа фурсатда жамоа аҳли ўзини ҳар жиҳатдан кўрсата олди. Маҳаллий ижодкорлар, бастакорлар билан яқиндан туриб ҳамкорлик қилиш, мудом изланиш, айниқса, ёшларимизга манзур бўладиган миллий рақс, куй-қўшиқлар, лапарлар ижросига алоҳида эътибор бериш жамоа довруғининг ошишига жуда қўл келаяпти.

- Илк муваффақиятимиз вилоят кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритишдан бошланди. Бу ёш жамоамиз аъзоларига битмас-туганмас завқ-шавқ бағишлади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг 6 йиллигига бағишланиб, вилоят марказида ўтказилган тантанали маросимда, Бухорои Шарифнинг 2500 йиллигида махсус дастур асосида концерт қўйиш бахтига сазовор бўлдик,- сўзлайди даста раҳбари, истеъдодли бастакор Ихтиёр Йўлдошев.

Даста репертуаридан жой олган «Жондорим», «Бухороим, тўйинг муборак», «Баҳовуддин бобом» ва шунга ўхшаш халқ оҳанги йўлида ёзилган қўшиқлар аллақачон минглаб санъатсеварлар қалбидан жой олди.

Ёдномa

РУҲЛАРИНИ ШОД ЭТИБ

Тўрткўл шаҳри аҳолиси ўтган якшанба - дам олиш куни марҳумлар руҳини шод айлаш мақсадида «Ёднома» тадбирини ўтказди. Унда ҳозирги авлод вакилларига яқин ўтмишда яшаб Ватан равнақи, эл-юрт маъмурчилиги, туман халқ хўжалиги, маданияти ривожи учун фидокорона меҳнат қилиб ўтган ота-оналар ҳаёти ва фаолияти билан таништирилди. Тўрткўлликлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги юксалишига муносиб ҳисса қўшган Й.Р.Қурбонов, шунингдек, Қосим Нурумбетов, Юнус Иброҳимов, Норбой Қурбонбоев, Рўзим Сейитниёзов, Обожон Дурдиев, Матназар Машарипов, Искандар Оллаберганов, Қурбонбой Тожибоев, «қўш соҳил булбули» деб ном олган Отажон Худойшукуров каби давлат ва жамоат арбобларини, довруғли деҳқонларни, хушовоз санъаткорларни ҳақли равишда чуқур ҳурмат билан тилга олишади.

... Бундай табаррук инсонлар руҳини мунтазам равишда ёд айлаш ёш авлодни ватанни севиш, халққа сидқидилдан хизмат қилиш, эл-юрт деб, ёниб яшаш руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Зеро, ўтганлар руҳини шод айлаш бебаҳо хислатдир!

«МЕҲРИГИЁ»НИНГ САХОВАТЛИ ИШЛАРИ

Беруний шаҳридаги 3-марказий дорихона 1994 йили октябрь ойида ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Мулк шакли ўзгаргач, ишда ҳам анча жонланиш юз берди. Энг муҳими, меҳнаткашларга, даволаш масканларига дори-дармонлар етказиб бериш яхшиланди. Тошкент, Сурхондарёдаги «Интертехформ», «Ўзхимформ» фирмалари билан алоқалар мустаҳкамланди. Бибиҳожар Давлатмуродова раҳбарлик қилган жамият аъзоларининг ташаббуси билан махсус лабораторияларда шифобахш ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундай дорилар айниқса, кўз оғриғи, тумов учун энг яхши даво бўлаяпти.

«Меҳригиё» жамоасининг уруш қатнашчилари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар аъзоларига, махсус ҳисобдаги беморларга кўрсатаётган саховати, айниқса, диққатга сазовордир. Бу тоифадаги кишилар доимо ўзларига зарур дори-дармонларни навбатсиз ва бепул олмоқдалар.

Иншооллоҳ, «Меҳригиё»нинг саховатпеша аъзоларининг иши бундан кейин ҳам баравж бўлаверади!

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Биласизми?

САЙЁРАЛАР КАФТИМИЗДА

Одамнинг ҳаёт йўли унинг кафтида муфассал ёзилгандир. Бу бежиз эмас. Кафтимизга бир йўла етти сайёра ҳомийлик қилади. Синчиклаб разм соладиган бўлсак, унда еттита бўртиқ жой борлигини кўрамиз. Уларни шартли равишда тепа деб аташ мумкин. Бу тепаларнинг ҳар бири ўз сайёраси таъсирида шаклланади, шу сайёра измуу ихтиёридаги хусусиятларни акс эттиради. Тепалар бармоқлар остида жойлашган тақдирда тўғри саналади. Лекин амалда улар баъзан у ёки бу томон сурилади. Қай томонга оғиб ривожланган бўлса, ўша томонга хос хусусиятлар устун аҳамият касб этади. Тепалар шаклларининг маъносига келганда — улар яхши ривожланган, меъёрида туртиб чиққан ҳолда ижобий хислатлардан далолат беради. Ўта дўппайган шаклдаги тепа ўз ваколатидаги хусусиятларнинг ривожи қуюшқондан чиқиб кетганлигини, ботиқ шаклдаги тепа хусусиятлари бора-бора ўзининг тамомила аксига — қусурларга айланиб қолганини кўрсатади. Туташиб кетган тепалар ўзларига алоқадор хусусиятлар уйғунлашиб кетганлигини билдиради.

Энг катта тепа бош бармоқ остида жойлашган ва шу бармоқ номи билан Венера деб аталади. Қолган бармоқлар тагида кичикроқ яна тўртта тепа бор. Кўрсаткич, яъни, Юпитер бармоғи тагида — Юпитер тепаси, ўрта бармоқ тагида — Сатурн тепаси, тўртинчи бармоқ тагида — Қуёш тепаси ва ниҳоят синчалоқ тагида — Меркурий тепаси — кафтнинг ташқи чеккасида, Венера тепасининг қаршисида жойлашган. Ой ва Меркурий тепалари оралиғидаги бўртиқ жой — Марс тепасидир. Баъзан бош ва кўрсаткич бармоқлар қўлтиғидаги думбоқ ҳам Марс тепасида қўшиб таҳлил қилинади.

Венера сайёраси том маънода муҳаббат ҳомийсидир. Шу сабабдан Венера тепаси яхши маъносида (меъёрида ривожланганда) — пок муҳаббат туйғусини, ёмон маъносида (ўта бўртиб кетганида) — тубан ҳисларни ифода этади. Венера тепасининг кафт асоси томонга қараб бўртган шакли эгасининг раҳмдил, сезгир, ўз яқинларига, айниқса фарзандларига меҳрибонлигини, пастига нисбатан юқориси бўртиқроқ шакли — Афлотун номи билан юритиладиган беғубор руҳий муҳаббатни, юқориси ҳам, қуйиси ҳам баробар ривож топган шакли — малоҳат, нафосатни мужассам этади. Аёл кишининг яхши ривожланган Венера тепаси ҳаммага ёқиш истагини, жўшқин ишқий эҳтиросларини билдиради.

Ўртамиёна ривожланган Венера тепаси ишқий туйғуларнинг совуқлиги белгисидир. Венера тепасининг бўртиқ шакли — бевошлик, бевафолик, енгилтаклик, ялпоқ шакли — ҳафсаласизлик, маънавий салобатсизлик, ботиқ шакли эса — фаолиятсизлик, худбинлик, меҳрсизлик, оқибатсизлик, пинҳоний қусурлар сингари хусусиятлар аломати бўлиши мумкин. Венера тепаси ҳаддан ташқари туртиб чиққан киши — ҳайвоний ҳирслар қурбонидир. Дурустгина ривожланган, лекин эти тириш Венера тепаси — эгасининг орзу-армонлари кўпу уларнинг ушалиши учун имкон кам, деган маънони англатади. Венера тепасининг қоқ ўртасидаги хоч тасвири — ҳаётда фақат бир марта насиб этадиган севги муҳридир.

Юпитер тепаси яхши маънода, меъёрида ривожланган тақдирда адолат, диёнат, нафсоният, мурувват рамзидир. Тепа ўз ўрнида — кўрсаткич бармоқ остида турса жуда яхши. Демак, кишининг севиб турмуш қуриши, бахти очилиши жуда эҳтимол. Ўта ривожланган Юпитер тепаси бўлғуси тепакалликдан огоҳ этиши мумкин. Бундай киши еб-ичишни яхши кўради, бағоят маишатпараст бўлади. Ҳаддан зиёд туртиб чиққан Юпитер тепаси иримчилик ва манманлик оқибатидир. Ялпоқ нусхаси — фаолиятсизлик, ориятсизликдан, ботиқ шакли — худбинлик, кўнгил совуқлиги, шаккоклигидан далолат беради. Юпитер тепасининг ўрта бармоқ томонга силжиган хили сайёра — Юпитер ва Сатурннинг ҳамкорлиги натижаси. Талқини — ақл-идрок иззатталаб ниятларга бўйсундирилган, эгасининг ҳавоси баланд.

Сатурн тепаси эса энг аввало мустақиллик кўрсаткичи. У заковат, мулоҳаза, мушоҳада маконидир. Меъёрида, тўғри ривож топган шакли мустақил фикр, фалсафий мушоҳада уқувини кўрсатади, жасоратидан дарак беради. Қўлида шундай фарқи бор кишилар бошлаган ишларда муваффақият қозонадилар, лекин кўпинча турмуш қурмайдилар. Никоҳдан ўтгандан кейин умр бўйи вафо қиладилар. Кафтдаги чизиқлар йўналишига қараб Сатурн жуда ҳам думбоқ шакли бахту иқболдан ҳам, кулфатлардан ҳам дарак бериши мумкин. Хафақонлик, зоҳидлик, муттасил асабий таранглик, ўз-ўзига суиқасд қилишга, айрим ҳолларда ҳатто қотилликка ҳам мойиллик — Юпитер тепасининг ўта бўртиқ тусига хос сифатлардир. Сатурн тепасининг ўрни текислиги — мақсадсиз, ҳаёт, ғариб тирикчилик, ирода бўшлиги ифодаси, унинг тепаси силлиқлиги эса бир маромдаги, нисбатан тинч турмушни ваъда этади.

Қуёш тепаси тўртинчи бармоқ остида жойлашган. Обрў, мартаба, молу давлат — Қуёш саховатига боғлиқ. Қуёш тепаси ҳам меъёрида ривожланган тахлитида даҳовий иқтидор, адабий лаёқат, санъат соҳасидаги ютуқлар ҳақида маълумот беради. Гўзалликка ҳавасманд, кўнгли юмшоқ, феъли кенг, динга эътиқод қилган кишиларда учрайди. Бундай кишилар энг юксак чўққиларни забт этишга қодирлар. Фақат фан соҳасидаги ютуқларга машаққат билан, илҳом зўри билан эришадилар. Қуёш тепаси унчалик шаклланмаган ҳолларда киши пулга, кийим-кечакка, шуҳратга ўч енгилтаклик, мақтанчоқ, бу тепа йўқ бўлган ҳолларда эса — нафосат оламига мутлақо бефарқ, ҳар қандай соҳада уқувсиз шахс бўлади. Шу тепанинг уйиқ кўриниши — тубдан эҳтирослар фитна-фасод оқибати бўлиши мумкин.

Синчалоқ тагидаги тепа Меркурий номи билан аталади. Тўғри, бежирим бўлса, илму фанга иштиёқ, нотиқлик лаёқатини ифодалайди. Бироқ, бу маънавий фазилатлар уддабуронликка қоришган тақдирда олди-сотди ишларига эпчил, иродаси мустаҳкам кишини таърифлайди. Бу тепа ўзининг салбий йўналишида, жуда туртиб чиққанда ўғирлик, муғомбирлик, ёлғончилик, виждонсизлик, шармсизлик, билинар-билинмас бўртганда — дангасалик, тўпорилик нишонасидир. Меркурий тепасининг ўрни текислиги ғариб қисматни каромат қилади. Бу жойдаги чуқурча — девоналик тамғасидир.

Ой тепаси — Венера тепаси — қаршисидаги дўнг жой. Ой ато этадиган бош хислат — тасаввур туйғуси. Ой тепасининг шакли шу туйғуга ўлчовдир. Ижобий кўринишда Ой тепаси покдомонлик, рошийлик, руҳий сезгирлик, бой тасаввур, орзупарастлик ҳамда хаёлпарастлик билан изоҳланади. Ортиқча ривожи мутаассиблик, инжиқлик, серзардалик, асоссиз ғурбатлар, ғафлатлар билан боғлиқ. Бундай кишиларнинг боши кўп оғрийди, қабзият дарди ҳам бўлади. Ой тепасининг ялпоқ, ясси шакли — хотиржамлик барқарорликка, чўзинчоқ шакли — таъсирчанликка йўйилади. Ҳаддан ташқари туртиб чиққан Ой тепаси телбаларча даражага етган тасаввур туйғусини ифодалайди. Қаттиқ ва пишиқ Ой тепаси ҳам тасаввур кенглиги ва ҳатто ёзувчилик санъатидан далолат бериши мумкин. Осойишта табиатли кишиларда бу тепаликнинг эти силлиқ, хавотир ва ҳадиклар домида юрадиган, асабий ўзгарувчан, ўжар кишиларда тириш бўлади. Умуман олганда Ой тепаси — хаёлот салтанатидир.

Марс тепаси — Меркурий ва Ой тепаси орасидан ўрин олган. Марс тепаси жанговар руҳ, жасорат бағишлайди. Қоидали Марс тепаси ҳам шу хислатларни акс эттиради. Эгасининг қатъиятли, субутли, совуққон, олийжаноб киши сифатида таърифлайди. Салбий йўналишда ривожланган ўта бўртиқ Марс тепаси — тажовузкор, шармсиз, зўравон адолатсиз кишиларга хосдир. Бундай кишилар асабий ва ёвуз, жанжалкаш ва урушқоқ, ҳатто қонхўр бўладилар. Суст ривожланган Ой тепасининг маъноси — лоқайдлик, ройишлик, ҳовлиқмалик, ундан ҳам кам ривожланганда — қўрқоқлик ёки болаларча гуллик. Ой тепасининг теп-текислиги разиллик, номардлик, чидамсизлик сингари ҳийла ёқимсиз сифатлар билан талқин этилади.

Умуман, бармоқ ости дўнглар ясси, кафтнинг ўзи нисбатан текис уйдим-чуқурсиз бўлса — одам руҳий зарбаларга чидамлироқ, асаблари мустаҳкамроқ, лекин маънавий жиҳатдан қашшоқроқ деб тушунилади.

Ҳамма тепаликлар ичида энг баланди — эгасининг табиатидаги асос хислатларни акс эттиради.

Лекин қолган тепаларга тегишли хусусиятлар изсиз йўқолмайди, балки бош тепа ифода этган хислатлар таъсирида бироз ўзгаради, холос. Энг баланд тепа хусусиятлари асос маънони белгилайди.

Яхши шаклланган ва қонуний жойини эгаллаган тепа ўзига дахлдор хислатларнинг меъёр доирасида ривож топганини кўрсатади.

У ёки бу тепаликнинг йўқлиги бунга хос бўлган хислатларнинг ва қусурларнинг ҳам йўқлиги аломатидир.

Бирор тепанинг ортиқча ривожи унга алоқадор хусусиятларнинг ҳам ўта тараққий этганидан далолат беради.

Тепа ўрнидаги чуқурча шу тепа хусусиятларининг қарама-қарши маъно касб этиб қусурларга айланганлигини билдиради.

Агар тепа жойидан четроқда шаклланган бўлса — икки қўшни тепа хусусиятларининг аралашиб кетганини таърифлайди.

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.

Бош муҳаррир:
Саидакром
САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165,
Тошкент шаҳри, «Бухоро»
(собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0993. Нусхаси — 23.244. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21. 00 Масъул навбатчи: Нодир АЛИМОВ.